

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

ҚУТ-БАРАКАЛИ,



АҲИЛ ХОНАДОН

Тошкентнинг "Катта Қозиробод" маҳалласида ажойиб инсонлар яшаб ўтишган. Уста Абдужалил деса ҳамма яхши танирди. Чунки уста Абдужалил оға ҳар мусулмоннинг қўлини ҳалоллаш амалини бажарганлар. Отаҳон бандаликни бажо келтирганига анча йил бўлди. Эндиликда обрў-этиборли бу катта хонадонга тўксондан ҳатлаб ўтган Рихсихон ая бош-қош.

Бу икки ҳаммаҳалламиз олтмиш йил бирга яшаб олти фарзанд кўришган. Ўғил-қизлар, неваралар, эваралар юз йигирма жондан ошиб қолди-ёв.

Мен Рихси ая хонадонидан тез-тез бўлиб тураман. Бунинг сабаби бор. Рихси ая менинг раҳматлик онам Вазираҳон билан девор- дар-

миён кўшни бўлишган. Ўғиллари-63 ёшли Абдумалик Рихсихон ая ҳақида, - "Онамнинг хотирасига қойил қоламан. Саксон йил бурунги воқеаларни типтиник хотирлайдилар-а", - дейди ифтихор билан.

Дарвозадан ҳовлига кириверишда кучоққа сиғмас балх тут кўкка бўй чўзган. Узундан-узун ҳаётлари давомида онахон бошига тушган не-не кунлар шоҳиди бу тут... Урушнинг оғир йилларида ёш ота-онага мадад бўлган, ўғил-қизла-

рининг гўдаклик чоғида жонга оро кирган бу тут. Эндиликда бу тут онахон билан дийдорлашувга келган ўғил-қиз, невара-эвараларни тансиқ мевалари - оппоқ дурдоналар билан сийлайди. Оиланинг яна бир кўхна аъзоси бўлиб қолган бу тут.

Ховлидаги ушбу балх тут тағидаги сўрида қават-қават кўрпачаларда ўтирган онахон билан суҳбатлашарканман, невара ва эвараларнинг қикир-қикир қулғулари ва қийқириқлари у кишининг гашига тегмаётганини англайман. Келинларнинг хали бири чой дамлаб келса, иккинчиси ликопчада мева кўтариб келиб, татиб кўришга ундайди.

Онахон билан бўлган бу учрашувлар, суҳбатлар, кузатувларимдан шуни англадимки, хонадондаги қут-баракка оила бошлиқларининг аҳиллигида, ўғил ва келинларнинг бир-бирига ҳурмат-эътиборида экан.

Холида АҲРОРОВА,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
маданият ходими.

Сувратчи — М.МИРСОДИҚОВ

1-ОКТАБР ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ёзишни, мустақил равишда китоб ўқиб, саволларга жавоб беришни ўрганади. Соғлом тенгқурлари қатори барча фанлардан билимга эга бўлади". Мен касбимни эзилган қалбларга дармон бўлишга қодирлигим учун ҳам севаман. Бизнинг махсус мактабимизда барча устоз педагоглар, тарбиячилар ҳам худди шундай.

Ушбу махсус мактабдаги юздан зиёд ўқитувчи ва тарбиячилар ўз касбларининг фидойилари, соҳада янги методикалар яратган олим ва олималар. Жамила опа ҳам доимо изланишда. Опанинг "Ихтирочи ўқитувчи" унвонига са-

УЛУҒ ЗОТ

зовор бўлгани ҳам бежиз эмас.

- Менинг барча изланиш ва ҳаракатларим ўқувчиларимни эркин гапира олишга ўргатиб, соғлом болалар сафига қўшишга қаратилган. Нутқи тикланиб, умумий мактабларга ўтказдирилгани талайгина. Уларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари сафидан кўриш мен учун чексиз бахт, - дейди опа ўқувчиларига меҳр билан боқар экан.

Жамила опанинг севган касби билан бирга, қизи Гулнозаҳон, куёви Иброҳимжон ва набираси Исмоилжондек яшашга, интилиш ва изланишга қувват бўлгучи таянчлари бор.

Зулфия ЮНУСОВА

Ҳаётга бўлган ташналик, яшашга бўлган интилиш, иштиёқ киши кўнглини яншилади, ёшартиради. Кекса педагог Файнижамол ая Абдулла қизи 80 ёшида бўлсалар-да, руҳан тетик, жисман бақувват. Ҳали ҳам эл дардига малҳам, Ватан равнақида ҳисса қўшсам, дейдилар. У киши газетамизнинг жамоатчи мухбирларидан бири. Тахририятимизга тез-тез келиб, ўзларининг ҳаёт сабоқларидан бизни баҳраманд этадилар.

- Мен барча ҳамкасбў ҳамкасбаларимни байрам билан чин тиракдан табриклайман. Уларнинг ишларида омад, оилавий бахт тилайман, - дедилар ая.



УСТОЗ —

Дунёда устозлик оламининг муқаддасида турувчи азиз зотлар борки, уларни алифбодан сабоқ берувчи муаллимлар деб аташади. Бу зотлар олдида эса барча касб эгалари таъзимда туриши шубҳасиз.

Қаҳрамоним Жамила Хусанова Собир Раҳимов туманидаги 106-сон заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатининг етакчи ўқитувчиларидан. Яқин ўттиз йиллик умрини ушбу соҳага бахшида қилган.

- Нуқсон билан туғилган болаларни ота-оналари мактабимизга кўпинча ноумид ҳолатда олиб келишади, - дейди Жамила опа. - Мен уларга доимо бир сўзни ишонч билан такрорлайман: "Бунчалик тушунлиққа тушишингиз ноўрин. Болангиз албатта гапиришини,



ЎЗ КАСБИНИНГ

Ўғиллой Режапова Ахтачига келин бўлиб, 7-мактабда иш бошлаганига ҳам ўн тўрт йил бўлибди. Бу йиллар мобайнида табиатан чакқон, тиниб-тинчимас бўлганлиги учун ҳам келинлик бурчини аъло даражада бажариб, бирин-кетин туғилган фарзандлари тарбиясини ҳам унутмади. У ўқувчиларни география фанига қизиқишини оширишга интилади, синф хонасини жиҳозлашга катта эътибор беради. Болаларни она табиатга қизиқувчан ва меҳрли қилиб тарбиялашни биринчи вазифа деб билади.

Иқтидорли муаллимнинг иш услуби, маҳорати йил сайин ортиб борапти. Унинг "География дарсида ўйинлардан фойдаланиш" номи илмий-услубий рисоласи қўлланма сифатида чоп этилди.

Мабодо Ўғиллой Режапова билан суҳбатлашиб колсангиз, қадрдон мактабдаги ажойиб ўзгаришлар, кун чикқар мамлакат грантига сазовор бўлиб, 11 та компьютер, тикув

машиналари, яп-янги ўқув жиҳозларининг келтирилиши, мактаб биносининг қуриб битказилиши, 1450 нафар ўғил-қиз билим сирларини кунт билан эгаллаётганликлари ҳақида гапиради.

УСТАСИ

Етмиш йиллик тарихга эга бўлган бу ўқув масканида ҳозир ўнлаб тажрибали ўқитувчилар фаолият кўрсатишяпти. Халқ таълими аълочиси Зоҳиджон Нурматов, Рўзохон Қўрбонов, Абдукарим Зулнуно, Ҳамидхон Жабборов, Мўътабархон Мамадалиева, Нарғизаҳон Усмонова сингари тажрибали муаллимлари қаторида лавҳамиз қаҳрамони Ў.Режапова ҳам бор. У доволан ошиб, камолот сари илгарилаб бормоқда.

Биз ҳамкасбимиз Ўғиллой Режаповани ҳамда у меҳнат қилаётган аҳил жамоани табаррук сана - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрами билан қизгин муборакбод қилами.

Абдулаҳад УРМОНОВ,
Асака туманидаги
7-мактаб ўқитувчиси.

СИЗГА ТАЪЗИМ!

Мактабни битирганимга ҳам 7 йил бўлибди. Аммо, Фарғона вилояти Чимён қишлоғидаги 15-ўрта мактаб ўқитувчиси устозим-Мирзаакрам Ваҳобовнинг панду насиҳатлари қулқоқларим остида ҳамон жананглайди. Худди кечагидай эсимда, - мактабни битириб, кўплар қатори мен ҳам олий ўқув юртига равона бўлдим. Аммо ўқишга киролмадим. Бу мен учун оғир зарба бўлди. Қишлоққа қайтиб, уйдан чиқолмай қолдим. Худди ҳамма қўли билан мени кўрсатиб, устимдан кулаётгандай қалбим хўрланди.

Бор аламинми кўз ёшдан олдим ва бағримни захга бериб ётиб қолдим. Шундай кунларнинг бирида устозим эшик қоқиб, мени йўқлаб келди. Устозим аста кўз ёшларимни артаркан, ҳали мен учун ҳаёт олдиндалигини, бу ҳаётнинг кичик бир имтихони эканлигини тушунтира кетди. Энди ўқишга аввалгидан-да, қаттиқроқ тайёрланишимни айтди. Ўзи ёрдам берадигини билдириб, қўлларидаги бир

даста китобни менга топширди.


Мен ўша кундан бошлаб, бор эътиборимни яна ўқишга қаратдим. Устозим тест имтиҳонларига тайёргарлик кўришимда кўмакчи бўлди. Узоқ тайёргарликдан сўнг устозимдан оқ фотиҳа олиб, Тошкент Давлат Юридик институтига хужжат топширдим.

Тест имтиҳонларидан ўтиб ўқишга қабул қилиндим. Мана, институтни битириб, ҳозирги кунда Тошкент шаҳар фўқаролик судида терговчи бўлиб ишлаяман. Мақсадимга етишимда устозимнинг хиссаси катта бўлди, албатта.

"Оила ва жамият" газетаси орқали устозимга меҳру эъзозимни, хурматимни изхор этиб, муаллимлар байрами билан табриклайман.

Ойгул ОХУНОВА

ЧИНАКАМ ТАРБИЯ БЕШИГИ — КИТОБ



хаммад Рафиков, бир неча арбоблар, олимлар чиққан. Бухоро вилоят ёзги театри ёнидаги томга чирмашиб чиқиб, том лабида оёқ осилтириб ўтирганча, спектаклларни томоша қилардик. Бухоро шахрини оралаб ўтган сув - Шохруднинг ўзи тўрисида роман ёзиш мумкин. Қишда музни ёриб сув ташишлар-у, ота-онамиздан яширин сувга "калла ташлаш"лар...

- Омон ака, ҳали "мулланинг боласи" дегандек бўлдингиз. Эшитишимга қараганда, отангиз Бухорода хушратли уламо бўлган эканлар.

- Отам Сулаймонхўжа бир пайтлар мадрасада ўқиган. Дарс ҳам берган. Тўнтаридан кейин оддий касби-кор билан шугулланганлар. Орада бир гал Хўжа Зайниддин масжидида имом, Бахон

Нақшбанд зиёратгоҳларида назоратчи ҳам бўлганлар. Отанинг бирон марта, ҳатто овозларини кўтариб гапирганлари ёки қулогимизни бураб

қўйганларини эслолмайман. Зигирча жоҳиллик йўқ эди. У киши ўзлари айтишча, аждодлари Хўжа Ориф Мохи тобонга бориб тақалган. Туркий, форсий, арабийни мукаммал билардилар. Мен ижодкор бўлиб, нимагадир эришган бўлсам, отанинг тарбиялари ва дуолари шарофатидан, деб ўйлайман. Албатта, инсон ҳаётда ўз ўрнини топиши, аввалам бор ота-онага, оиладаги муҳитга боғлиқ. Онам Ойшабиб мискин ва ниҳоятда соддадил, тўғри одам эдилар. Бир мисол. Аслида, онаминг исмлари Ҳафиза, оналари исми Ойша бўлган. Хужжат олаётганда, онам довдираб қолиб, ўз исмлари ўрнига оналари исмини айтиб юборганлар. Шундай қилиб, хужжатда Ойша деб ёзилган. Онаминг боболари - Каттақўрғонлик, пайшанбалик Мулла Убайдулла Саҳбий деган шоир бўлганлар.

- Сизнинг отдошингиз, улкан адиб, устод Асқад Мухторнинг қайсидир шеърида, "одам бир ўзи тугилмайди, ўлганда ҳам ўзи ўлмайди", - деган қизиқ гап бор. Жигарлар ўртақсидаги меҳр-оқибатга қандай қарайсиз?

- Биз оилада ўнта фарзанд бўлганмиз. Булар турли соҳаларда, ўзига яқин касб танлашган. Ўз вазифасини бажариб юришади. Менинг насибам, яхши-ёмонми, нималардир ёзиш экан! Лекин менга опаларим жуда кўп меҳрибонлик кўрсатган. Раҳматлик Мунаввара, Муаззама опаларимнинг менни мадир ёзишимга катта хизматлари сингганини айтаман. Укам Ҳабибжон мендан кўра кўпроқ мен учун яшагандек! Ҳатто тушунтириб беролмайман... Ҳозирги кунда Мутарраҳ ва Мукаррама деган ёши улғу опаларим менга - мен ўзим ҳам ёши улғу бўлиб қолганимга қарамай, онадек меҳрибонлик кўрсатишади. Бухорода оёрли биришларда ишлаган ва ишлаётган укам Саиджон кўпинча менга "акалик" қилиб

Омон Мухтор "Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррири. Адибнинг 30 дан ортиқ китоби нашр этилган. Шоир, но-сир, драматург. "Тўрт томон қибла" трилогияси, "Ффу", "Афлотун", "Эгилган бош", "Ишқ аҳли" ва бошқа романлари маълум. "Аёллар мамлақати ва салтанати" романи буйича бадиий фильм суратга олинган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. "Дўстлик" ордени соҳиби.

юради. Кичик укам Неъматжон, сингилларим Мағфиратжон, Мухаррамжон билан фахрланаман. Шу жигарларимнинг меҳри, оқибати бўлмаса, мен машаққатли қалам ишида эҳтимолки ҳеч нарсага эришмаган бўлардим.

- Сизнинг исмингиз ҳозир сал камроқ учрайди. Олдинги даврларда кўпроқ. "Зайнаб ва Омон" достони... Исмингизни ким қўйган, қайси маънода, демоқчиман.

- Мен уруш бошланганига бир ой ҳам тўлмай, тутилганман. Отам омонлик бўлсин, деб қўйган бўлсалар керак. Умуман, отам - укаларим, сингилларимга исм қўйилганида кузатганимча, тонг-сахарда китоб очиб исм танлаш оdatлари бор эди. Аксар дераза олдида, қиблага юзланиб ўтириб, китоб ўқир эдилар... Мактабни ҳали тугатмаган пайтим. Ёз келдим, отам бўш юрманг ўғлим, деб мени ҳар хил хунармандлар олдига олиб бориб, шогирдликка қўядилар. Аминжон деган дурадгорга, уста Мажид деган қосибга шогирд бўлганман. Кин

дизан **Оиламиз меҳмони** Гир-қийишқ эшик дераза-ю, тумшуги "тиржайиб" турган пойафзалларни "қўлдан чиқарган"имни эслаб, ҳозир баъзан қилиб қўяман. Отам қизгин суҳбатлар бўлган давраларга ҳам гоҳ оқшомлар етаклаб борардилар. Ушанда Бухорода жуда кўп буюк зотлар ўтгани, улardan тарбия олиш бахт эканлигини илк бора билганман, англаганман. Агар ўша суҳбатлар бўлмаса, мен эҳтимол Лутфий, Навоийлар ҳаёти, ижодини жиддийроқ ўрганиб, улар ҳақида асар ёзишга журъат этмас эдим. Бунга жазм ҳам этмасдим.

Барчамизнинг ҳам ўз уйимиз бор.

Катта бир уй бор! Мамлакат.

Бу уйи - уйим, деб безаш мумкин.

Дунёда **КАТТА бир инсонлар фикри.** Мен кечами, бу кунми ҳаёт борида кўра яхшироқ, гўзалроқ бўлишига хизмат қилган **КАТТА бир инсонларни** "таниш" насиб этганидан, ўзимни бахтли ижодкор деб биламан. Буюк бир тарихдан иборат таржимани холи бўлган халқ бахтли халқдир. Шу халққа муносиб ишлар қилгинг келади.

- Демак, кўнглингизда ўқинч, армон йўқ?

- Нега?! Биласизми, газетангиз номи "Оила ва жамият" менга ёқади. Бу - ҳар қачон долзарб, марказий бир гап, дейми. Оила фақат жамиятнинг бўлаги эмас, у жамиятга кўзгугу. Умумий ҳаёт тарзи оилада акс этади. Жамиятда бўлган яхши томонлар ҳам, етишмовчиликлар ҳам оилада очик-ойдин кўринад. Энди тасаввур қилинг. Эски бир хонадонда ўсган, ҳаёти, ижоди машаққатли давр, ёлғон бир жамиятда шакланган кишининг ҳоли... Шу кунлар бу ҳақда ёздам:

... ота-онам, опаларим, муштдек

укаларимга

Жиддий ёрдам беролмадим,

Ўзимдан бўшаб.

Юрганим йўқ ўзимга ҳам пойандоз

тўшаб,

Армонимни айтаман Худон Каримга.

Менингча, умуман ижодкор ўқинч ва армондан иборат вужуд! Навоийдек буюк зот "ғуноҳим беҳад, хатоу саҳвон беадад", дейди. Сенинг сафдаги бир одам, банд сифатида хатоларинг, гуноҳларинг бор. Булар ҳам ўқинч ва армон уйғотмаслиги мумкин эмас.

Аммо оила ва жамият билан бирга, кўп нарса одамнинг ўзига ҳам боғлиқ. Одам одатда, ўзини-ўзи тарбиялайди... Бир йили Самарқандга бордим. Уч-тўрт даврада учрашув ўтказдим. Қарасам, одамлар сал хомуш, қисиниб тургандек. Хўп, хайр, деб машинага минганимдан сўнг эса, улар беҳос жонлидан, яна озгина қолинг, илтимос, дейишга тушишди. Ўша кун, ажабки, уч-тўрт даврада ҳам шундай бўлди. Мен ҳайрон қолиб, олим ва шоир дўстим раҳматлик Самарийдин ака Сирожиддиндан нима гап, деб сўрадим. Билсам, олдинги ҳафта иккита "ёзувчи" келиб, бу ерларни "супуриб", халқни ҳафа қилиб кетган экан. Давраларда мендан ҳам шу "хунар"ни кутишган, менда таъма йўқлигини кўриб, ўзлари изза бўлишадиган экан. Шундан, машина эшигини қайтиб очишадиган экан... Айтмоқчиманки, ижодкор шахс бўлиши интилиши ва шахс эканлигини унутмаслиги керак.

Утган асрда ва бу аср бошланишида биз гарбдан кўп нарсаларни ўргандик, ўрганамиз. Лекин бизнинг онамиз - Шарқ. Шарқ учун одоб, хокисорлик, инсоф-диёнат ўзи катта бир мактаб. Алишер Навоийни олинг. "Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл". Бағирнинг кенглигини қаранг! Шарқда фақат жамият эмас, ёр, оила ҳақида гапирганда ҳам, одоб билан, "парда" ичида сўз юритилади. Яна Навоийга мурожаат қилайлик. Севглини ҳақида дейди:

Оти анинг ҳар киши оғзида мазкур

ўлмасин...

Яъни, ҳар ким унинг исмини зикр қилавермасин!

Ўки:

Козга (қозга) уза номингни ёзмай...

- Омон ака, гап ўз оилангизга келиб боғланяпти. Бу ҳақда ҳам озгина тўхтамангиз.

- Фақат икки оғиз сўз. Аёлимни радио-да, бир қизчам "Даракчи" газетасида ишлайди. Булар меннинг соҳамдаги кишилар. Менга фикрдош. Лекин мен, улар эржа, улаларга катта бахт бердим, демайман. Ҳаётнинг бутун мураккабликлари, аччиқ аламлари менинг қисамтида ҳам бор.

- Ҳозир қандай асар устида иш

лаясиз? Ўқувчилар қизиқишади.

- Навоий ҳақидаги "Ишқ аҳли" романи давоми "Буюк фаррош" деган асар устида ишляпман. Ким қандай қарамасин, дунёда Навоийни "таниб", унинг ижодидан баҳраманд бўлишдан каттароқ лаззат йўқ... Бу кун ёшларимиз камроқ китоб ўқишади. Яширмайман. Ҳолбуки, чинакам тарбия бешиги - китоб. Бошқа бундай дўстни ҳам, суҳбатдошни ҳам тополмайсиз.

Суҳбатдош: Тоҳир НОРИМОВ

РАҲМАТ СИЗГА,

Мен суяқ хасталигига чалинганман. Кўп юриш, ўтириш мумкин эмас. Ҳозир 11-синф дастурини ойижоним ва ўқитувчиларим ёрдамида уйда давом эттираялман. Шеърлар машқ қилиб тураман. "Оила ва жамият"нинг 26-апрел сониди "Дадамга" деган шеърим чоп этилди.

Менинг дадам йўқ. Ёшлигимдан меҳрга ташна бўлиб ўсдим. Оғир дардга чалинганимдан кейин буткул тушкунликка тушиб қолдим. Яшайдан умидимни уздим.



ЭЛ СЕВГАН ИНСОҶ!

Самарқанд вилоят Травматология ва ортопедия шифохонасининг бош жарроҳи, тиббиёт фанлари номзоди Шавкат Тўрақулов жонимга оро кирдилар. У киши нафақат дори-дармон, меҳр, ширин қалом билан мени даволадилар. Оғир дамларда оталарча ғамхўрлик қилиб мени оёққа турғаздилар. Отаҳоним яқинда, яъни 23 октябрда 55 ёшга тўладилар.

Севимли газетамиз орқали у кишига дил сўзимни йўлламоқчиман:

Қадри отаҳоним!
Таваллуд кунингиз муборак бўлсин. Инсон саломатлиги йўлда қилаётган эзгу ишларингизга омад ёр, Оллоҳ мададкор бўлсин.

Сизиз меннинг умрим посбони,
Сўзларингиз бағишлади жон.
Ёруғ бўлсин юртинг осмони,
Орзунигизга етинг отаҳон.

Тўйларизда айлашун хизмат,
Қўшиқ айтиб, ўйнашун шодон.
Юзга қиринг, муродга етинг,
Раҳмат сизга эл севган инсон.

Чексиз ҳурмат билан қизингиз
Ёқутхон ЭРҒАШЕВА,
Шаҳрисабз шахри.



манднинг ҳаваскорлик босқичидан то ўзини танитиб олгунчалик йўлда турли қийинчиликлар ва муаммоларга рўпара бўлиши табиий. Илк қадамдаёқ қариндошуруф, оиладагилар ўртасида "артист бўласанми?" деган таънали сўровларнинг ўзиёқ кўпгина таллантларнинг йўлини кесади... Бундан ташқари, санъаткорни тўй "бузди" деймиз. Аслида тўйда ҳам у халққа хизмат қилди-ку! Шу жойда менинг матбуотчиларга ҳам эътирозим, ҳам тақлимим бор. Санъаткорларнинг ижод йўлидаги минг битта ташвиши билан, турмуш тарзи, оилавий аҳволи билан халқни таниш-

ҲАЛИ АЙТИЛМАГАН ҚЎШИҚЛАРИМ КЎП...

Раънохон Бўронова ижоди билан 20 йилдан буён танишман. Наманганнинг нозли кизи Санъат олийгоҳини тугатиб, 1980-йили Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги "Дуторчи қизлар" дастасида фаолият кўрсата бошлаганидаёқ кўшиқ шинавандаларининг эътиборига тушганди. Эсимда, анча йиллар бурун дуторчи қизлар ҳақида мақола тайёрлаётганимда, раҳматлик Фанижон Тошматов: "Бу қизларимдаги шўхлик бир умрга кетишини истайман. Юрагида шўхлиги бор инсоннинг нафаси ҳам жозибали, ҳам мухлисини сеҳрловчи қувватга эга бўлади. Раъно болам (устоз шоғирларини "болам" дердилар) ана шундай ашулачиларимдан-да..." - дегандилар.

У-ху, ўшандан буён қанча сувлар оқиб кетди. Раънохон ҳам ижод қозонида қориллавериб, "пишиди", янги кўшиқлари дунёга келди, мақом усулидаги кўшиқларининг ёнида шўх, эстрада йўлидаги "Онажон", "Сиз менга кераксиз", "Соҳибим" сингари ашулалари самараси ўлароқ "Соҳибим" номли муסיқий альбоми дунёга келди.

- Кўшиқ қай ҳолатда дунёга келади? - дейман хонанданинг янги кўшиқ машинидан чарчаб турган "пайтини пойлаб".

Санъаткор муддаомни пайкаб, кулиб кўяди:

- Ижод, бу - оромдан кечиш! Ижод, бу - ўзинг чеккан заҳматлар эвазига ўзгаларни шодлантириш ва бу шодликдан ўзинг ҳам дунёга сигмай учиб юриш. Санъат майдонида туриб, ижод тўлғоқлари билан тўлгонмаган хонандани санъаткор демайман. Бу - машаққат, бу - фароғатдир.

- Санъаткорнинг маънавиятини қандай изоҳлайсиз?

- Санъаткорнинг маънавий олами ҳам ўзга касб эгалариники сингари оддий. Аммо улар кўпроқ халқ эътиборида бўлганлари учун орқаровотдан тўкиладиган баъзи "ривоят"лар захрини топишга ҳам мажбур бўлиб қолишади. Аслида, санъаткорнинг ҳам оиласи, дўст-биродарлари, бола-чақаси бор. У ҳам жамиятнинг бир аъзоси сифатида яшади, меҳнат қилади. Холбуки, санъат даргоҳига қадам кўйган ихлос-

тирадиган ҳаётий мақолалар ёзишса... Шундагина одамлар битта-иккита заиф хулқли хонандалар туфайли санъат аҳлининг маънавияти хусусида нотўғри хулосага бормасдилар.

- Бугун санъаткорларимиз ўртасида Европа эстрада санъатига мойиллик кўчаиб кетди. Эътибор, бу борада овоздан ҳам кўра, кўпроқ гайритабиий ҳаракатларга йўналтирилаётгандек, назаримда. Сизнинг бунга муносабатингиз...

- Европа санъати ўрта Осиё санъатидан тамоман фарқ қилади. Улардан ўрганиш, руҳан бойишимиз бошқа гап, аммо тақлим қилиш санъатимизга ҳам, миллий руҳимизга ҳам салбий таъсир қилиши кўриниб турган ҳақиқат. Ахир ҳар бир халқнинг санъати ўзигагина хос бўлган тарихий йўли алоҳидалиги билан қизиқарли эмасми? Бизнинг санъаткорларимиз бу хусусда эҳтиёт бўлишларини, халқимизнинг нозик дидини авайлашларини истардим...

- Раънохон, сўнгги кўшиқларингизда ловуллаб турган эҳтиросли туйғулар ўрнида маҳзунилик, фирок, изтироб чизилари аксангандек бўлди. Бунинг сабаби...

- Эҳ, опа, ҳаётнинг синовлари кўп экан. Нур ва соянинг борлиги ҳақиқатлигига иқроор бўлдим... Бу йил турмуш ўртоғим Раҳимбой акамни ерга қўйдик... (Раънохон бўғиздаги "оҳ" кўз ёш бўлиб қароқларини тўлдирди...) Раҳимбой акам ашулаларимни жуда яхши кўрардилар. "Дуторчи қизлар" дастасида ишлашимга ҳам ўзлари сабабчи бўлганлар. Янги қўшигимнинг ҳам биринчи тингловчиси, танқидчиси, олқишловчиси Раҳимбой акам эдилар... Бу жудодик бутун руҳиятимни эгаллаб, шўхликларимга чек қўйгандек, дунё-омонат эканлигини эслатгандек бўлди... Худога шукр, фарзандларим Нилуфар ва Суҳробжон юрагимга кучмадор бахш этишади. Ҳозирда қизим Тошкент Давлат консерваторияси талабаси, яхши овози бор. Уғлим - спорт ишқибози. Ҳали айтилмаган кўшиқларим кўп. Худо хоҳласа, мухлисларимнинг кўнглини тўлдирадиган ашулалар яратиш ниятидаман.

«Хавас қилган етар, ҳасад қилган кетар», - дейишади. Қавасли дунёнгиз яхши кўшиқлар билан зебланаверсин, Раънохон.

Санобар ФАХРИДИНОВА

Бу воқеага кўп йиллар ўтган бўлса-да, ҳозиргидек кўз олдимда. Айниқса етим қолган болалар, уларнинг аянчли тарихи тўғрисида гап очилгудек бўлса ёки телевизорда "Меҳр кўзда", "Жди меня" кўрсатувлари бошланса мен беихтиёр ҳаёлга чўмаман...

1974 йил ўсиб улғайган қишлоғимизни тарк этиб, Бухоро-деқ азим шаҳарга келиб ип-газлама комбинатида ишга жойлашдим. Комбинатда раҳбар ва бошқа масъул ишларни катта ёшдагилар бошқарса, бошқа ҳаммасини деярли ёш йигит-қизлар ташкил этарди. Орадан бир-бир ярим йил ўтмай кўп қаватли "Ишчилар шаҳарча"сидаги уйлاردан бирини олдим.

Бу қувончли ангеликни эшитиб раҳматли онам ва турмуш ўртоғим Роҳиланинг бошлари кўкка етди. Ҳазилим ахир, 2-қаватда-ошхона, ванна - ҳамма ҳаммаси ичида, ҳали бўёқ ҳиди келиб турибди. Бозорча, дўконлар яқингинада жойлашган. Хул-

бермаганди. Охири бинонинг 1-қаватида энг чеккада жойлашган спорт залига қараб йўл олдик. Бу ерда спорт анжомларининг ҳамма тури, ҳатто спорт велосипедига бор эди. Шу ерга келганимизда қутилмаган ҳодисага дуч келдик. Маълум бир зарурат туфайли вақти-вақти билан очиладиган ташқарига чиқши эшиги сал қия очиб бўлиб, иситиш батареяси тагида қора кийинган, бошланг бир кимса гужанак бўлиб ухлаб ётарди. Бундан "Бобо Кайфий"нинг кечаси қилган қайфи ҳам учиб кетиб, унга бақира бошлади:

- Хей, хей бача, кимсан? Тур қани акун... - Етган кимса секин туриб, уст-бошини қоқиб ёнимизга яқинлашди. 17-18 ёшлардаги бола устида ёзги пайтда кийиладиган қори иш кийими, бошланг, сочи таптаким олинган. Навбатчилик хонамизга келгандан сўнг, шеригим уни "ғалвир"дан ўтказиб бошлади:

- Менга қара шум бача, ким-

Турмуш сабоқлари

жой бўлмаганлиги учун ўша ерда ухладим, кўча совуқ эди. Ахир ҳамма ҳам менга ўхшаганларга жой бермайди-ку. Ҳеч нарсаларнинг текканим йўқ, мени милицияга элтма...

Биз турмуш қургунимизгача хотиним район халқ судида секретар бўлиб ишлаган эди. Шунинг учун у гапга аралашди:

- Дадаси, милицияга бора кўрманглар. Ҳар ҳолда қамалиб келган киши. Ундан кўра бирор ёрдам қилишга уриниб кўринг.

- Мурод, менга қарагин. Ўқиганинг тўғрисида бирор ўқижатинг борми?

Хуллас, яхши инсонларнинг аралашши туфайли ҳужжат ва бошқа керакли нарсалар ҳал бўла бошлади. Маълум бўлишича, Мурод билан бирга яшаган ва ўқиган болаларнинг кўпчилиги Россиянинг комсомол зарбдор қурилишларида жўнатилган эканлар.

Кўп ўтмай унинг ҳам жўнаб кетадиган куни келиб қолди. Шу пайтгача бизникида яшаб тургани учун унга анча ўрганиб қолган эдик. Қиш пайти эди. Бораётган жойи анча совуқлиги учун яхшироқ кийинтиришга ҳаракат қилдик. Ўзимнинг армия хизматидан эсдалик учун асраб қўйилган танкчиларнинг иссиқ ёқали калта курткиси, яхши чармдан тикилган офицерлар этиги, теллагим ана ўшанда асқотиб қолди. Бизнинг "шум бола" ҳам энди пўрим йигитга айланди-қолди.

Эсимдан чикмайди. Охириги кун, ҳар ким ўз йўлига ажраладиган пайт. Мурод мени кучоқлаб йиғлаб юборди. Мен унинг кўз ёшини энди кўришим. Кўп қийинчиликларимиз кўравериб тошга айланган кўнгул - ёмғир бўлиб, сел бўлиб оқди. Ўзимнинг ҳам 12 ёшдан отасиз қолиб, икки синглим ва онажоним билан курган қийинчиликларимиз кўз олдимдан ўта бошлади. Ҳа, азизлар, ҳаётнинг асалдан ширин, тотли яхшилик мевасининг қадрини билиш учун - заҳардан аччиқ ёмонлик мевасини баъзида тотиб кўришга тўғри келар экан. Шу пайт Мурод қўйнидан кичкина чиройли ханжарча ва рангли суратлардан тахланган ён дафтарчани чиқариб олдимга қўйди-да:

- Брат, бу нарсаларни у ёқдан чиқарган пайтда йигитлар беришган эди. Шулардан бошқа ҳеч нарсам йўқ, эсдалик учун олгин, деб қолди. Мен:

- Қизикмисан, укажон? Бу нарсалар сенга қора кунларингдан эсдалик олиб қўй, арзиманг яхшилик, хизмат таъма, совға учун қилинмайди, - деб тасалли бердим.

Орадан ойлар, йиллар қувалашди ўтиб кетди. Биз у уйдан бошқа ерга кўчиб ўтдик. Ўша пайтдаги икки яшар ўғилчам ҳозир ўттизда. Мана ҳозир ҳам "Жди меня" кўрсатувини кўрдим, ҳаёлимда ўша "Шум бола" - Мурод мени ахтарётгандек бўлаверади. Мен унинг аллақачон бола-чақали меҳнаткаш, яхши инсон бўлиб кетганига жуда-жуда ишонаман. Илоҳим шундай бўлсин! Уни ва бизларни - ҳаммамизни Оллоҳ ўз паноҳида асрасин! Дунёда яхшилик аталмиш дарахтлар ва уларнинг тотли меваси кўпаяверсин!

Меҳридин АХМЕДОВ,
Афғон уриши қатнашчиси,
II-гурӯх ногирони,
Бухоро.

ЯХШИЛИК ДАРАХТИ



ЯШНАСИН...

сан? Бирор нарсани "сув" қилмадингми? Аксига олиб, дам олиш кунини бўлса ҳам, шу пайт бизнинг асосий ҳўжайинимиз - ҳўжалик мудирини келиб қолди. У мендан 4-5 ёш катта бўлиб, шеригимизнинг ўғли эди. Қисқаси, савол-жавобдан маълум бўлдики, "меҳномиз - шум бола" кечки мактабдан танишларини излаб, Когондан келиб уларни учрата олмай, совуқда шу ерда ётиб қолди. Шунда ҳўжалик мудирини менга:

- Сиз ҳамма жойни яна бир кўриб чиқинг. Бу боланинг афти бошқачароқ. Уни милицияга элтиб топшира қолинг. Биз бобой билан бир ерга боришимиз зарур, деб чиқиб кетишим. Биз икковимиз, очилган эшикни бир зумда эпқага келтирдик. Шунда мен:

- Менга қара оғайничалаш, милиция бўлса қочиб кетмас, қорин масаласи қандай?

- Брат, мени у ерга элтма, овқатга эса пулим йўқ.

- Ҳўп, юр бизнига бораёйлик, кейин бир гап бўлар.

Ўзи ҳам бу ташвиш билан овоза бўлиб анча вақтни ўтказиб қўйибмиз. Бизнинг уйга келиб овқатланишга ўтирдик. Овқат давомида у секин бошидан ўтганларни сўзлай бошлади:

- Брат менинг ҳеч кимим йўқ, отим Мурод. Шу ерда детдомда ўсганман. Ота-онам кимлигини билмайман. Детдомдан кейин бизни қурилиш билим юртига ўтказишди, ўқидим. Икки йил олдин практикада эдик. Ишлаган пулимизни олиб кечкурун дўстларим билан улфатчилик қилдик. Кайф устида милиция мотоциклини олиб қочдик. Мотоцикл чаппа бўлиб, мен тагида қолдим. Улар қочиб кетишди. Мени ушлаб суд қилишиб, икки йилга қамашди. Навоий шаҳрида ўтирдим, мана справка, кеча чиқиб келдим. Ўзим билан ўқиган яшаган болаларни қидирмоқчиман. Кеча кечаси

ОИЛА ЗАНЖИРИНИ

УЗМАНГ



риндан-шакар болаларингизни кўз олдингизга келтириб, оилангизга қайтинг. Сиз энди ота-онангизникида ҳам, опа-уқларингизникида ҳам меҳмонсиз. Ўз уйингиз ўлан тўшагингиз. Фақат ўша уйдагина мезбонлик қилишингиз мумкин. Аёл йиғлаб юборди. Гўшакни опаси олди.

- Уйдан чиқиб кетганимга 3 ой бўлди, - дея гап бошлади телефонда бир аёл. - Ҳозир опамникида турибман. Болаларим эримнинг қўлида қолган. Уларни жуда соғиниб кетдим...
У ўзини тутиб туролмай йиғлаб юборди. Гўшакдан бошқа овоз келди.
- Мен опаси бўламан. Синглимининг ажралишига ёрдам берсаларингиз.
- **Жанжалнинг сабаби нима?**
- Эри ногирон. Ҳеч қаярда ишламайди. Синглим олди-сотти ишлари билан шуғулланиб, оила тебратди. 3 та боласини едириб-ичириб, кийдириб ўтирибди. Эри синглимга: "Пул бер, дори-дормон оламан", - дермиш. Синглим бермас, уриб бўлса ҳам пулини тортиб олармиш.
- **Синглингизга беринг гўшакни.**
- Алло, эшитман, - йиғи аралаш овоз берди аёл.
- **Синглим, эрингиз қандай касалликка чалинган?**
- Ичаклари шамоллаб кетганмиш.
- Дард берган тангирим, вақти соати келиб шифосини ҳам беради. Соғми, касалми болаларингизнинг отаси-ку. Эрингизнинг соғлими қизиқтирмайдими сизни? Унинг ўрнига ўзингизни бир қўйиб кўринг. Дейлик ишга яроқсиз бўлиб қолгансиз. Жонингиз дарддан оғрийди. Дори-дормон керак. Кимга арзи-ҳол қиласиз? Биринчи галда эрингизга. У кўл силтаса, йиғи-сиғи қилиб жигарларингизга муружаат этасиз. Эрингиз эса бундай қила олмайди. Бировга бош эгишга гурури йўл қўймайди. Дард оғригининг аламини пул бермаганингиз учун сиздан олган. Мен бу билан эрингизнинг тарафини олмақчи эмасман. Тушунаман, сизга жуда кийин. Шу ўринда эрингизга ҳам осон тутманг. Эру хотин ўртасида соғлик турганда, пул арзимас бир қороз-ку! Мухими, учта қоракўзнини дунёга келтириб қўйибсизлар. Мен яшаган қишлоқда Қурвон момо деган аёл бор. Эри ўлкаси шамоллаб тузалмас дардаги грифтор бўлиб, ҳар йили 2-3 марта даволаниб келарди. Ўрталарида бир киз, бир ўғли бор эди. Бир умр шу ногирон эрни кафтида тутиб яшарди. Эракк ишини ҳам, аёл ишини ҳам ўзи қиларди. Шу боис юриш-туриши, муомаласи эраккларга хос эди. Тўю маъракаларда каттаю кичикнинг кўнглини кўтариб, ўзи ҳам хурсанд бўлиб юрарди. Болтавой ака оғир-босиқ эди. Кўпинча Қурвон момо кетмон чопса у киши увотда ёнбошлаб гаплашиб ўтирарди. Ниҳоятда ахил эдилар. Вақти-соати келиб Болтавой ака оламдан ўтди. Қурвон момо бошқа турмуш кўрди. Ҳозирда бир нечта неварали бўлган. Қурвон момо эл таниган шоира ёки олима эмас, кўп йиллар мактабимизда фарош бўлиб ишлаган эди. Уни шу яқин орадаги қишлоқ ахлининг бири таниса, бири танимайди. Меҳнат қахрамони бўлиб, газета, журналларда сурати чоп этилмаган. Лекин у муҳтарима аёл! Вафодор ёр! Меҳрибон она! Ҳозирда суюкли бувижон бўлиб қарилек гаштини сураятти. Аёлнинг буюклиги ҳам аслида шунда. Сиз бўлсангиз эрингиз билан пул талашиб юрибсиз. Болаларингизни соғиниб юрагингиз эзилиб юрибди. Ногирон эрингиздан илоҳи борича тезроқ кутулмоқчисиз. Сизга маслаҳатим: "Эрингиз билан хуш ўтган дамларингизни, ши-

овсар бўлиб қолаёзди бу шўрлик. Ҳозир яна ўзига келди. Ота-онам ҳам ажралишга рози. Маҳалла раиси билан яраштиришга борганимизда, синглим: "Ярашмайман. Яраштира саларинг ўзимга ўт қўяман", - деб туриб олди. Энди буларники бўлмайдиган масала.
- Синглим, масала бор экан, демак нечоғли кийин бўлмасин унинг ечими ҳам бор, - гапини бўламан унинг. - Ҳар қалай яхши томонга ечилгани маъқул. Синглингизни болалари билан ажратиб олдингизлар ҳам дейлик. Тўртта жон қайси эшикка сиғади? Ҳар ким ўз уйда, ўз оиласининг қозонида қайнасин. Имкон қадар яраштиришга ҳаракат қилинг. Эри ҳам инсофга келиб қолар. Уларни боғлаб турган уч бола - занжир узилмасин.
- Норасида гўдакларнинг тақдирини нима бўлади. Уларнинг уволи нафақат ота-онасига, сизларга ҳам уриши мумкин. - Аёл бироз ҳовуридан тушди.
У билан хайрлашиб гўшакни қўйдим. Тўғри жавоб бердимми, йўқми барибир ажралишлари учун жиддийроқ сабабини кўрардим. Вақт олий ҳакам. Оилада бир-бирини тушунмай йиллаб жанжаллашиб юрган эру хотинлар, вақт ўтиши билан кўрғошиндай қуюлиб қолганини кўп кўрганман.

Шу ўринда ўзим гувоҳи бўлган бир воқеа ёдимга тушди. Саккизинчи синфда ўқирдим. Аммам келин бўлиб бир оилга тушганди. Бувим: "Мақтабдан қайтишингда аммангни ҳам кўриб кел", - деб тайинлади. Дарсдан чиқиб амманниқига бордим. Дарвозадан киришим билан уй томондан вағир-вуғур овоз эшитилди. Секин уйга яқинлашиб, деразадан мўраладим. Поччам аммамга бақириб зугум қилаяпти. Аммам эса уввос солиб йиғлаб гап қайтараяпти. Изимга бурилиб уйга ўқдай учиб келдим. Кўрганганимни чала-чулла бувимга айтдим. Бувим олдинда, мен орқада поччамникига ҳаллослаб етиб бордик. Жанжал оловни аланга олса олибдики, пайсалмайди. Бувим қалишини ҳам ечмай уйга бостириб кирди-да: "Ҳа, нимани бўлиб олол-маябсизлар", - деб, поччамнинг юзига икки тарсаки туширди. Аммамга қараб қўл кўтарганди, пайтдан фойдаланган поччам кўён бўлди. Аммам энди поччамдан икки хисса ортиқ тарсакини еб, овози ўчди.

Ушанда ҳаяжонда эдим. Бувим нима деганини эслолмайман. Шундан кейин ҳам поччам ичиб келиб ахён-ахён тўполон кўтаргани қулогимга чалиниб турарди. Турмушининг пасту баланд сўқмоқлари поччам билан аммамни ўз измига солди. Йиллар оша улар бир-бирини тушунадиган, суйайдиган бўлишди. Поччам ичкиликни ташлаб, мўмин - қобил ота бўлди-қолди. Уч қиз, олти ўғилни тарбиялашди. Ҳозир бир жуфт мусиқадайдир бир-бирига суйанишиб қолишган. Баъзида менинг чакимчилигим туфайли тарсаки еганларини эслатсам: "Ёш бўлганмиз-да", - деб қулишди. Ҳаётда бир-бирининг аччиқ-чучугини ҳазм қила олган жуфтларгина, охиракитиб ўзидан тинчиб, кўнгли ҳам оройиш топади. Шохдан шохга қўниш кушларга хос хусусият. Дарахтнинг мингта шох ҳам бир илдиздан озиқ олади. Худди шундай қайси оилга бош сукманг, нимадир ортиқ, нимадир етишмайди. Нафас олаётганимиз, тирикчилигимизнинг ўзи нечоғли бахт эканлигини унутиб пашшадан фил, филдан пашша ясаб юрамиз. "Гап қувган балога, хазир қувган хазинага йўлиқар", - дейишди.

Тоҳир НОРИМОВ

-Синфдошларим олий ўқув юртига кириб ўқишди, аммо мен бирорта касб-хунарни этагидан тутмадим, - дейди сўхбатдошим Дилшода.

- Ота-онангиз қаршилик кўрса-тишдими?
- Йўқ, ўзим ҳаракат қилмадим. Наврўз акам билан мактабаёқ севишиб юрардик. У мендан атиги уч ёшгина катта холос. Дадамнинг норозилигига қарамай, унга турмушга чиқдим. Онам: "Бирор касб-хунарли бўлгин", - деганди Наврўз акам ўқишимга рухсат бермади. «Кейинчалик бола-чақа боқишга қийналамиз», - десам: "Қанча бола бўлса ўзим боқиб оламан", - деди. Индамайгина рози бўлдим. Энди билсам аёл киши ҳам ўқиб, бирор касб-хунарга эга бўлиши керак экан. Наврўз акам туман солиқ инспекциясида ҳисобчи бўлиб ишлайди. Топиш-тутиши ёмон эмас. Аммо жуда ҳам кўпол. Арзимаган нарсага жажли чиқиб, мени ва болаларини боқаётганини юзимга айтишдан чарчамайди. "Сенлар текин-хўрсан, олиб келганимни еб ўтиришдан бошқасига ярамайсан", - дейди. Буниси ҳам майли, болалар билан ҳам жуда кўрс муомалада бўлади. Тўнғич ўғлим 4-синфда ўқийди. Ўзингизга маълум, ҳозир мактаб дастури жуда мураккаб. Айниқса математика фани. Уй юмушларидан ортинган пайтларимда она тили, рус тили

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

тўғрилиқча сўради, - дедим ўзимни тутиб туролмай.

- Бола меники, хоҳлаганимни қиламан, бор ишингни қил, аралашма, - деди эрим ёвқараш қилиб.
- Одамлар 5-6 нафар болани ўқитиб, тарбиялапти, сиз иккита болангизни тарбияси билан шуғулланишга оғринасиз, - мен ҳам бўш келмадим.
- Болани тарбиясини сен узяпсан. Эртага мактабга бориб устозига айтаман, ойлигини ҳалоллаб олсин, - деди тутоқиб.
- Болани тарбиялаш ўқитувчидан олдин сиз билан менинг вазифамизга қиради. Ота бўлиш осон деб ўйловдингизми? Ҳа, қорнингиз тўйиб, диванда чўзилиб ётаверсангиз. Бошингизни ҳеч ким оғритмаса. Бунақа кўполлигингизни билганимда сизга тегмаган бўлардим, - юрагимдагиларни тўкиб солдим.
- Ўзинг эрчис қолмай деб бўйимига осилиб олдинг-ку!
- Онангиз без бўлиб келавериб эшигимизни бузиб юборган. Дадам норози бўлганди-я.
- Онамга тил теккизма, ҳе онангни...
- Болалар олдида сўкинманг. Менинг дадам билан ойим бизни олдимизда уришишганини, бир-бирига бақирганини кўрмаганмиз. Сиз бетарбия одамсиз, - деб юбордим.
- Бор, ўша тарбияли ота-онангичкига

ЎҒЛИМНИНГ КЎЗИДАН



бориб яшайвер, - деб уйдан чиқариб юборди.

- Ҳўжайинингизни хатосини болалар олдида айтиб, танқид қилганингиз учун ўзини шундай тутгандир? Унинг табиатидаги нуқсонларни иккинги элгиз қолганингизда босиклик билан айтсангиз балки у тушунармиди?

ОҚҚАН ЁШ...

дарсликларидан уй вазифасини бажаришга ёрдамлашман, аммо математикага тушунмайман. Болам кечқурун дадасининг ишдан келишини кутиб ўтирарди. Ҳўжайиним соат 8-9 ларда ишдан қайтади. Дастурхон атрофида ҳам қовоғини уйиб ўтириб оқатланади. Сўнг нариги уйга кириб телевизор кўришга тушади. Не маҳалгача тунги киноларни кўриб, диванда ётган жойида ухлаб қолади. Болалардан бирортаси савол бериб қолса, "Онангни олдига бор, бошимни қотирма", - деб жеркиб беради. Кеча дам олиш кунини ўғлим: "Дадажон, математикадан мана бу масалага тушунмаяпман", - деб сўради.

Фикрларим Дилшодага маъқул келмади шеклилл, саволимага жавоб бермай яна гапида давлом этди.

- Бу воқеа бир неча маротаба такрорланавергани учун отамникига қайтиб бормоқчи ҳам бўлдим, аммо бу фикримдан қайтдим. Чунки ҳўжайинимнинг феъл-атворини уйимдагилар яхши билишади. У атрофдагилар билан ҳам кўпол муомалада бўлади. Дадам бир сўзди одам. Агар уйдаги воқеани ота-онамга айтсам бунинг оқибати яхшилиқ билан тугамаслиги аниқ. Мен эса болаларимни етим қилишни истамайман. Агар эр-хотин ўртасида шундай муомала давом этаверса бир кун келиб ундан воз кечшимга тўғри келади. Мен шундан кўркаман.

Эр-хотин ўртасида сеғви-муҳаббат борлиги яхши, аммо оилани сақлаб қолтиш, болаларни тарбиялаб эл-юрта қўшиш учун биргина муҳаббат кифоя қилмайди. Ота-она ўртасида аввало ўзаро ишонч, гўзал муомала бўлиши керак. Қолаверса, ўзимизнинг келажакимиз учун баъзи бир ёмон одатларимиздан воз кечшимизга тўғри келади.

Азиз мухлис! Юқоридаги каби воқеа сизнинг ҳам оилангизда аз берса қандай йўл тутардингиз? Ёш ота-оналарга фарзанд тарбиясида қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

Нигора ЙЎЛДОШЕВА

Мақолани ўқиб, жуда таъсирландим. У кишини беихтиёр бошидан кечган оғир кунлари, ҳаётнинг дардли синовлари, умр сарҳадларидаги ёддан чикмас онлари олис ўтмишига етаклайди. Уйлантиради. Дунёнинг ишлари, хоҳлаш-сизми-йўқми, ўз гирдобига тортади. Ундан ҳеч ким қочиб қутула олмайд.

Ҳозирги ёшлар учун бу оддий эртаққа ўхшайди-ю, осон кечмаган кунларнинг бирор соатининг тасаввур қилолмайдилар.

Баҳром аканинг мусофирчиликда кўрган азоблари тошга ўйиб ёзилган маҳзун ғазалдек хотирага муҳрланган. Инсон табиатидаги бу ҳолат, миллат ва элат танламайди. Эҳтимол, бу Одам Атодан қолган кўна меросдир.

Бегона одамнинг меҳроқибат кўрсатишлари, яқин қариндошларнинг яхшиликлари бир умр ёдинда қоларкан. Баҳром аканинг дилномаларини ўқияману, хотирага муҳрланиб қолган воқеалар тинчлик бермапти.

...Эллигинчи йиллар, урушдан кейин, халқ толиққан, озиқ-овқат таҳсил, қора қозонни қайнаш мушкул даврлар эди. Рўзгорнинг "ғори" катта оилаларда дарров билинарди. Меҳрибон бувимнинг: "Кўйиб есанг куй, тийиб есанг той ортади", - деган гаплари қулоғимда қолган. Уша даврда ҳеч ким тўйиб овқат емасди. Негаки, ҳозиргидай икки юзи кип-қизил, ўзини зўрга идора қиладиган оқ

шинада кўйлак тикиб, тонг билан бозорга олиб чиқардилар. Оби-рўзгор ҳам кунлик тушумга яраша бўларди. Ҳамманинг уйдаям қора қозон қайнамасди.

Одамлар бир-бирига ширин муомалалар билан кўр-қувват бўларди-ю, аммо бир коса овқат ё иккита нон билан йўқлаш амри-махол эди. Озиқ-овқат таҳсил, ҳар бир хонадоннинг маҳсулотлари учма-уч зўрга етарди. Шундай оғир кунлар-

директор бўлиб ишлаган. Жуда кўп одамларга беминнат яхшиликлар қилган беназир инсон эдилар. Шу воқеага 52 йил бўлди, ҳамон ёддан чиқмайди. Уша тоғамнинг ўғил-қизлари билан борди-қелди узилган эмас.

Яна бир воқеа ёддан чиқмайди. 1964 йили Политехника институтининг учинчи курсидан ҳарбий хизматга чақирилдим. Ҳарбий қурилиш батальонларидаги хизмат Қозоғистоннинг Манғишлоқ қўлидаги Шевченко шаҳридан бошланди. Ёзининг ҳарорати, эллиқдан ортиқ жазирама, қиш аксинча ундан

водсқдаги "Ўзбекистон" санаториясига бордик. Тасодифни қарангки, ўша кунни рамазон ойи тугаб, ҳайит байрамнинг биринчи кунини экан.

Биз танимаган элдошларимиз бағрларини очиб қутиб олдилар. Стол усти турли-туман ноз-неъматларга тўлиб кетди. Уларнинг ҳеч бирини танимасак-да, қондошлик, юртдошлик, мўминлик ришталари бизни боғлаб турарди. Қутилмаган меҳмонлар аввалдан таниш қадрдонлардек иноқлашиб кетдик. Икки соатлардан сўнг аранг хайрлашарканмиз, бир-биримиздан узоқлаша олмадик. Қузатиб қолувчилар ҳар биримизга ҳайитлик, дея юз сўмдан пул тутқазиди.

Олмасликка биз қанча уринмадик сира иложи бўлмади. Бу ҳолатни кузатиб турган ошхона мудираси Фаина Николаевна, яна ҳар биримизга 25 сўмдан тутқазди. Унинг ҳам ўғли ҳарбий хизматда экан. Бу бегона одамларга қилинаётган шарқона лутф, рус аёлини сехрлаб қўйганди. У бизларни кўзда ёш билан қузатди.

Мана сизга бегонанинг қариндошдек яқинлашиб кетиши. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Ҳар бир одам дунёнинг ташвишларини ўз танасида синаб кўрмагунча ўлчовли умр қадрини, ота-онанинг ғаниматлигини, ҳаёт қувончи бўлган фарзандлар меҳрини, жонини фидо қилган ёстиқдошнинг борлигини сезмас экан.

Ҳикмат МАХСУМОВ

ЛУТФУ ЭЪЗОЗ ЎЙҚОЛМАСИН

билан хонимлари, давлат стандартларидаги кийимлар тўғри келмайдиган қорин солган эркаклар кўринмасди. Халқ оддий юпун кийинарди.

Адам кўллари очик, саҳий қалб инсон эдилар. Шунинг учун, озиқ-овқат омборига мудирликдан камомат чиқиб, оз муддатга қамалиб қолдилар. Ҳамма оғирлик, бир этак бола билан онанинг зиммасига тушди. Ахир, еттига болани едириб-ичиришнинг ўзи бўлмади. Онажоним туни билан кўл ма-

нинг бирида: "Извош" - отаравага икки юз килоча қартошка, икки қолда сабзи-пиёз, бир неча дона қовоқ, шолғом ва бошқа нарсалар ортилган арава остонамизда турибди. Бу нарсаларни кўриб шундай суюндикки, асти кўяверасиз. Агар ҳозир янги "Мерседес" ни соғва қилишса ҳам шунчалик суюнмаймиз.

Кейин билсак, бу маҳсулотларни бағри хенг, саҳоватпеша инсон—онанинг тоғалари, оилаларида ўндан ортиқ жон бўлиб, ўзлари қийналиб турганига қарамай, жигарчилик, меҳроқибат қилиб, бизларни суюнтиргани юборибдилар. Оллох у кишини ўз раҳматига олган бўлсин. Баланд маҷитлик Ҳайридин Мухитдинов 1950-70-йилларда Тошкент консерва заводиди, дастлаб маҳсулот тайёрловчи, сўнгра

ортиқ совуқ, увиллаган шамол, кум бўронлари кўзни очирмайди. Тишингиз орасида ҳам кум ғичирлайди.

Хизматнинг иккинчи кунидек госпиталга тушиб қолдим. Бир сутка пароходда юриб, ўпкаси ни шамоллатган самарқандлик Алишернинг жони узилди. Манғишлоқдаги еттига ҳарбий батальондан эллиқ минг сўм йиғилиб, майит ватанига жўнатилди. У даврда тобут солинган самолётга бошқа йўловчи олинмасди. Шунинг учун самолётнинг нафақа пулидан тўпланган. Инсонни бир-бирига яхши ё ёмон кун яқинлаштиради.

Хизматнинг иккинчи йили Шимолий Кавказнинг кичик Лермонтов шаҳрида кечди. Дам олиш кунларининг бирида тўрт аскар шаҳар айланми, юрт ва юртдошлар соғинчи тортиди-ю, Кисло-

Бандаси айирса ҳеч нарсасиз, тангри айирмасин. Оллоҳим яхшилик, саҳоватпешалик уругини ҳар бир яхши инсоннинг дилига солган бўлсин.

«Дўст бошга, душман оёққа қарайди. Дўст тўйда эмас, азада билинади», - дер эди раҳматлик онаизорим. Дўст дийдорига зор бўлмайлик. Эшигимизни қоқиб келган дўст дилига ёруғлик солайлик, саҳоватли, оқибатли бўлайлик. Озгина омадингиз чопса бурнингизга ҳода етмай гердайманг, осмонга эмас, оёқ остингизга қаранг, пешонангиз тарс этиб ёрилганда кеч бўлмасин. Худойим бандасини бир бериб, бир олиб синар экан. Осмондаги порлаган юлдуз мисол ният-орзуларингиз ҳамиса йўлдошингиз бўлсин. Интилиб, изланиб, мадад бўлиб, шафқатли бўлиб яшашга эришайлик.

Машхура ИСХОКОВА



Акс-садо

"Бегона вафо қилса қариндошир" 32-сон

ЭСАТМА: Ўқишга Душанбеге борганда, дастлаб ҳар жойда тунаб, тўғри келган «қора иш»ни қилдик. Бизга бегоналар кўноқ ва таом беришди, меҳр кўргазди. Ҳа, меҳрсиз қариндошдан, олийжаноб бегона яхши экан.

Баҳром ИСТАМҚУЛОВ,
Самарқанд тумани

Самарқандлик Баҳромжон, бошингиздан кечган узундан-узқ саргузаштларингизни ўқиб, тиришқоқлингизга тан бердим. Мусофирчилик жонингиздан ўтиб, қийналганингизга қарамай, сарсон-саргардонликка (яшаш жойи ва иш қидириб) чидаб ўқибсиз. Ваҳроланки, ҳозирда кўплар ота-онасининг бадавлатлигига суюяиб ўқишга қирадиган айрим "бойвачча" йигит-қизлар дурустроқ ўқиш ўрнига кайфу-сафоларга берилиб ўқишни ташлаб кетдилар. Сизлар очин-тўқин қолсангиз, уй тополмай, иш излаб қийналганингизда ўз туғишларингиз кунингизга ярамай, етти ёт бегоналар ёрдам қўлини чўзгани кувонтиради кишини. Қийинчиликларни енгиб

ўқишни битирганингиз кўпчилик ёшларга ўрнак бўлгуси. Бизнинг "тарбия" номили зўр тилсим қодалари сингдирилмаган айрим инсонлар меҳр-муруватдан йироқ бўлади. Бундайлар "ўзим бўлай, ўзгани кўй" қабилида яшайдилар. Баҳромжон! "Бағри тош" Хурийд акангиздек аканинг ёки ичкиликбоз Фарҳод укангизнинг боридан йўғи яхши эди-да. "Ўзингни ўзагингни ўяди" нақли ҳам бежиз айтилмайди, албатта.

Истардимки, юртимизда Баҳромжонларга сидқидилдан кўмак берган инсонлардаки кимсалар кўпаяверсин! Тенпа тебранмас, меҳрсиз инсонларга Оллоҳдан инсофу-тавфиқ тилаб қоламиз.

Афифа ХАСАН қизи

Бир кам дунё, бешафқат дунё деганлари рост экан. Кимдир меҳрга зор, кимдандир ташвиш бисёр. Яхшиям яхши ниятли инсонлар бор. Тарозуси тенг бўлмаган дунёни яхши инсонларнинг садоқати, меҳроқибати ушлаб туради, менимча.

Мақоладаги Ғолиб ака, Саидмурод ака, Раҳматжон акаларнинг мусофирчиликда қийналган йигитларга ёрдам бериши, сидқидилдан муруват кўрсатиши, оёққа туриб олишлари учун имконият яратиб беришлари... Инсонийлик шунчалар бўлар.

олган отани тириклай гўрга тиқиш керак. Ароқхўр отага лаънат айтишдан бошқа сўз деёлмадим. Бундай одамни халқ ўртасига чиқариб сазойи қилиш керак. Ахир бу нокас ота мурғак қизининг ҳаётини ўзи бузса, она яна бу ота билан қандай бир уйда яшади экан? Ёки бу ифлос ота, ўз рафиқаси кўзига қандай қаради экан? Шуларни уйласам, нафратим кўзиб, шу отани ўлдиргим келиб кетди. Балки ота ўз қилишидан ўзи пуршаймондир, лекин жуда кеч ва ҳеч нарсани орқага қайтаришнинг иложи йўқ-ку. Меҳринисонинг ўша ижарага турган хонадон соҳиби "Б" амакига отаси билан бўлиб ўтган жирканч воқеани айтиб берганига ҳайронман. У эркак ҳам Меҳринисонинг ожизлигидан фойдаланган. Меҳринисонинг ўзи кўнгили қўйган йигитга турмушга чиқишига норозилик билдирган. Меҳринисон, гапларингизга қараганда жуда

содда қизга ўхшайсиз. Ўта соддалик ҳам аҳмоқликдан даллатдир. Сиз "Б" амакингиз билан қайтиб учрашманг, йигитингиз уйига "кечиримлар" сўраб боринг. Агар кечирмаса, ўзингиз манзилингизни ўзгартириб, бошқа жойга кўчиб кетинг, синглингиз ҳам бошқа жойда яшасин, лекин ҳеч қачон манзилингизни бу нопок кимсалар билмаслигига ҳаракат қилинг. Бундан кейин тилингизни тийиб юрсангиз, бирор дили келтишни учратиб, у билан турмуш қурарсиз. Лекин синглингиз тўғри йўл кўрсатинг, у ҳам адашмасин. Чунки онангиз оламдан ўтибдилар, отангиз бир ароқхўр бўлса, ўзингиз куйибсиз, энди синглингиз ҳаётини куйдирманг. Маслаҳатим, бу ёёнга ҳаётингизни асранг.

Ш.ҚУРБОНОВА,
Самарқанд шаҳри.

БУ ЁЁИГА ҲАЁТИНГИЗНИ АСРАНГ

"Қадрингизни, қаддингизни ўзингиз тиклаб олинг" 35-сон

ЭСАТМА: Отам маск бўлиб келиб ному-симга тегади. Оиламиз шаънини ўйлаб, онам бу гапни чиқармади. 9-синфни битириб коллежга ўқишга кирдим. Мен ижарада турган уй эгаси отамдек меҳрибончилик қиларди. Бир кунни бошмадан ўтган воқеани айтиб қўйдим. Шундан сўнг, у менга бошқача кўз билан қарайдиган бўлди. Вилоят марказидан уй олиб бериб, «Яхши бир инсонни топганимча чида», деганди. Бир йигитни топганимча бахтимга тўғаноқ бўлди.

Муаллиф: **Л. АҲМЕДОВА**



Бу мақолани ўқиб бутун баданимни титроқ босди. 12 ёшли қизчани бадном қилиб, яна "тақдиригиз экан, қизим", - деб тилга

ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЭЪЛОНЛАР!



Мунаввар лаҳза—бу, мукаррам кун—бу. Саодат шуъласи манглайингизда. Яна ўн қирқларга бўлинг рўбару. Дўстларингиз турсин хизматингизда!

Сингилм Ферузaxon ФАХРИДИНОВА!

Сизга доимий хушбахтлик тилаб, опаларингиз Саодат, Санобар ва синфдошларингиз, Шаҳрусабз.



Хурматли курсдошларимиз ОЗОДА, АДИБА ва МИРЗАБЕК!

Сизларни тавваду топган кунларингиз билан самимий табриклаймиз. Ўз касбингизнинг моҳир устаси бўлиб етишишингизни тилаб, Низомий номли ТДПУнинг тарих факультети 2 Т^г гуруҳ талабалари.



Дўстим Маҳлиёxon ҚУРБОНОВА! Сизни 18 ёшга тўлишингиз билан қутлайман. Ҳаётингиз гўзал ва сермазмун бўлсин.

Хоразмлик дўстингиз Сардорбек ИБОДУЛЛАЕВ, Янгиариқ тумани, Ш.Рашидов ш/х.

Азиз устозимиз Фароғат Алимова ҳамда барча устозлар, сизларни байрамнингиз билан табриклаб, мустаҳкам соғалк ила оилавий бахт тилайман. Қалбларга улашаётган зиё нурларингиз доимо парлақ бўлсин!
Иброҳим АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази қизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида куйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади.

Ўқув муддати 2 ойлик курслар
• Бичиш-тикиш • "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тикиш • Бисерлардан фойдаланиб тикиш • Бошланғич компьютер билимлари (Windows 2000) • Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш • Сартарошлик • Косметология • Маникюр-Бухгалтерия-касса аппарати назоратчиси-Қандалатчилик-олий курс.

Ўқув муддати 3 ойлик курслар
• Миллий кўрга-кўрпачалар тикиш • Юмшққ ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тикиш.

Ўқув муддати 4 ойлик курслар
• Массаж ва уй ҳамширалиги • Бичиш-тикиш (бошловчилар учун) • Машинада гул тикиш (вишавка).

Курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади.
Манзил: "Халқлар дўстлиги" метроси. Фуркат кўчаси, 1 уй. Мўлжал: Республика спорт кўмитаси. Тadbirkorлар палатаси, 2 қават, 202 хона, 413 хона.
Телефон: 45-18-42, 29-28-58.

«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:
Бир куни қизим дугоналари билан кўчада ўйнаб юриб йиқилиб, уйга: "Оёғим огрияпти", - дея оксоқланиб келди. Оёғи озгина қонаганди. Мен бунга эътибор бермадим. Сабаби, у аввал ҳам бир-икки марта йи-

қилиб, шу ахволга тушганди. Мен уни овутиш, оёғига дори қўйиш ўрнига уришиб бердим. Бир ҳафта ўтар-ўтмас, кечкурун қизимнинг иситмаси кўтарилиб, оёғи шишиб кетди. Эрим "Тез ёрдам"ни чақирди. Шифокорлар қизимни кўриб, оёғи йиринглаганини, агар ҳозир даволанмаса, йиринг суякка ўтиб кетиши мумкинлигини айтишди ва бизни шифохонага олиб кетишди. Эрталабгача қизимнинг тепасида ухламай йиғлаб чикдим. Оллоҳдан қизимга шифо беришини илтижо қилиб сўрадим. Эрталаб шифокорлар қизимни операция қилишди. Операциядан чиққан жароҳ: "Опажон, бахтингиз бор экан, йиринг суякка ўтиб кетмади. Энди соғайиб кетгунича қизингизга яхшироқ қарашингиз керак", - деди. Бир ой касалхонада даволаниб уйга қайтдик.

Қизим ҳозир ҳам бироз оксоқланиб юради. Шифокорлар: "Бу оксоқланиш аста-секинлик билан йўқ бўлади", - деб айтишди. Қизимнинг рангсиз юзига қараб ич-ичимдан эзилиб кетаман. У ҳар куни: "Ойижон, оёғим қанон яхши бўлади? Қачон мен ҳам ўртоқларимдек мактабга бораман?", - дея юрагимни эзиб юборади. Мен эса уни нима деб овутишни ҳам билмайман. Гўёки қизим бир умр ногирон бўлиб, тўшакка михланиб қолаётгандек, турли нохуш хаёлларга

бораман. Қизимнинг соғлиги мен учун ҳар нарсадан устундир. Қизим соғайгач, савдо билан шуғулланмай, ўз ишимга қайтишимни турмуш ўртоғимга айтдим. Эрим эса: "Мен учун аввало сен ва болаларимнинг соғлиги, тинчлиги керак", - деди хурсанд бўлиб. Ундан қилган ишларим учун қайта-қайта кечирим сўрадим. Аини кунларда юрагим қаттиқ санчиб, қон босимим тез-тез кўтарилиб кетмоқда. Қилган ишларимдан минг бора пушаймонман. Икки йилда топган пулларим икки ойда ҳавога учгандек йўқ бўлди. Ҳаттоки, мени илондек бўғаётган тақинчокларимни ҳам сотиб қизимни даволатдим. Нега пул, молу-дунё кетидан бунчалар қувдим?

Гўёки қизим ҳам, ўзим ҳам ҳақиқий ногиронга айланиб қолаётганга ўхшаймиз. Баъзан ногиронлик нафақасидан воз кечгим келади. Шундай қилсам гўёки қизим иккимиз соғайиб кетаётгандекмиз. Энди қизимнинг олдиндан бир қадам ҳам кетгим келмайди. Биламан, унга шифокорларнинг дори-дармонидан ҳам кўпроқ менинг меҳрим керак. Ўтган кунларимга минг лаънатлар айтаман. Оллоҳнинг қаҳрига учраган ношукр бандаман. Лекин менинг бу ишимда дугонанинг айби йўқ деб ўйлайман. Чунки у: "Тижорат билан шуғуллан", - деб маслаҳат берган бўлса-да, мени мажбурламаганди. Менинг ихтиёрим ўзимда эди-ку!

Оллоҳнинг берганига шукр қилиб яшашимиз керак экан. Соғлиқнинг ўзи жуда катта давлат, бебаҳо бойлик эканини энди юрак-юрагимдан ҳис этаклапман. Ҳозир виждон азоби, пушаймонлик мени кийнапти. Қандай йўл туғсам, виждон азобидан қутуламан. Менга маслаҳат беринг, азизлар! Маслаҳатингизни кутиб қоламан.

М.нинг дардини оққа қўчирувчи
София НАЗАРОВА,
Самарқанд вилояти,
Нарпай тумани.



Исми Гулчехра. Лекин исми жисмига монанд эмас, деб ўйлайман. Чунки мен унчалик чиройли ҳам эмасман. Мен ҳам инсонман. Ҳаётда ўз ўрним бўлишини орзу қилардим. Мактабни яхши баҳолар билан туғатдим, лекин ҳеч қаерга ўқишга қира олмадим. Биз қишлоқда яшаймиз. Қишлоқда иш кўп. Далага чиқамиз, мол боқамиз, шу билан кунимиз ўтади. Оилада тўнғич фарзандман. Мендан сўнг уч ўғил укаларим ва бир синглим бор. Аммо ҳадеганда менга совчилар келавермади. Чунки онамнинг феълини ҳамма яхши биларди. Тўғри, ўз онами ёмонламокчи эмасман-у, лекин уйда онамнинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Шунинг учун кўпчилик бизни кичи қадам босишга ҳайқарди. Отам эса оддий деҳқон, эрта-ю кеч далада, онам нима деса шунга кўниб кетаверарди.

Шундай қилиб, орадан кунлар, ойлар, ҳатто йиллар ҳам ўтиб кетди. Синфдош дугоналарим турмушга чиқиб кетишди. Баъзилари 2-3 та болали бўлишди ҳамки, менинг бахтим сира очилмай демасди. Дугоналаримга ҳавасим келарди. Мактабни битирганимдан кейин 5 йил ўтгач, бир камбағал оиладан совчилар келди. Онам имижимида шу оилага мени унаштирди. Тўйимиз ҳам бўлиб ўтди.

Турмуш ўртоғим топармон-тутармон эмасди. Оиласида-

гилар ҳам аҳил эмас, ҳар ким ўз оиласи билан зўра қўл учидан кун кўрар экан. Шундай қилиб менинг бу оиладаги келинлик кунларим бошланди. Эрим менга жуда меҳрибон эди. Бир-биримизни секин-аста тушуниб, қийинчиликларни бирга енгиб, ҳаётнинг

Кунларнинг бирида ҳароратим кўтарилиб, кўнглим айний бошлади. Эрим ҳам, мен ҳам ҳайрон эдик. Билмадим, иш зўрлик қилдим, ёки Оллоҳнинг сино-вими бу?

Шундай қилиб, доктор ча-

ҚИЙИН АХВОЛДАМАН



оғир-енглигига чидаб яшай бошладик. Кунлар шу зайдла ўтарди. Худойим мени оналик бахтидан қисмади, вақт ўтиб ўғиллик ҳам бўлди. Эру хотин энди бор меҳримизни ўғлимизга қаратиб яшай бошладик. Бизга ўлчаб берилган ерга уй қуришимиз керак эди. Эрим билан бирга лой қориб, гишт тайёрлашга тушиб кетдик. Анчагина гишт ҳам тайёрладик.

хабар олиб туришди. Оилавий шароитим яхши эмаслиги учун ота-онам дори-дармонга ҳам ёрдам беришди. Мен бунинг учун ота-онамдан миннатдорман. Уларга Оллоҳдан узок-умр, соғлиқ-саломатлик тилаймман. Лекин онам: "Қизимни ишлатиб касал қилиб қўйдинг", - деб эримга тинчлик бермай қўйди. Турмуш ўртоғим ҳам мени касал

бўлсин демаган-ку! Биз фақат ўз уйимизни тезроқ қуришга ҳаракат қилар эдик. Онам мени касалхонадан тўғри ўз уйимизга олиб келдилар. Мени кўларидан келганча парварिश қилишди. Секин-аста соғлигимни тиклай бошладим. Бу орада турмуш ўртоғим ҳам, қайнонам ҳам келиб хабар олиб туришди. "Яхши тузалиб олдинг", - деб онам эрим билан кетишимга рухсат бермади. Ҳар сафар онам эрим келгани-

чаланибман. Энди тамоман ҳаётдан умидим узилди. Чунки бу касаллик билан фарзандимни дунёга келтиришни ўйласам, юрагим орқага тортиб кетарди. Яна ота-онам ёрдамида оёққа турдим. Орадан кунлар ўтиб фарзандим ҳам эсон-омон дунёга келди. Буниси ҳам ўғил. Худога шукр, 2 фарзанднинг онасиман. Ота-онам ёрдамида катта қилаяпман. Чунки онам: "Соппа-соғ боламни касал қилдинглар", - деб умуман эримни кичига жўнатмади.

Ман, йиллар ўтди. Ўша биз учун қурилаётган уй ҳам битди. У пайтлар ҳали укаларим уйланмаганди. Улар ҳам уйланишди. 2-3 тадан болалик ҳам бўлишди. Мени бу оилада ҳеч ким камситмайди-ю, лекин келинлар олдида ўзимни ноқулай сезаман. Мени ўз уйимга олиб кетиш учун эримнинг неча марта ялинишига қарамай, онам: "Мен ўлганимдан сўнг ўша уйингга борасан", - деб оёқ тираб розилик бермадилар. Болаларимнинг қорни тўк. Катта ўғлим 4-синфда, кичиги эса 2-синфда ўқишмоқда. Бирок, барибир ўз оилам бўлишини истайман. Аммо қийин ахволда қолганман. Ўз оиламни тиклай десам, ота-онамдан воз кечиб кета олмайман. Сизларнинг фикрларингизни кутиб қоламан.

Гулчехра,
Оққа қўчирувчи
С.ҚОСИМОВА,
Тошкент

Назира дарвозадан киргач, қўлидаги оғир сумкалардан сўрига қўйиб, қадди-чиққикалади.

- Сайфулло! Ҳо, Сайфулло!
Ичкаридан жавоб бўлмагач, қоронғуда пайпасланиб, эшикнинг тутқичини топди. Эшикка кулф урилган эди. У калитни ҳар доим қўйиладиган жойидан топа олмагач, қайтиб дарвоза олдиға чиқдию, қўшниси Розияхонга дуч келди.

- Бизнинг уйдагиларни кўрмадингизми, қўшни?
- Ҳўжайинингизни билмадим. Болаларингиз бувисиникига кетишди, шекилли.
- Қоронғуда у ёқда нима қилишаркин, - ёўдранди Назира. - Калитни жойига қўйишмабди.

- Бизниқига кириб ўтира туринг. Боланинг иши чала-да, қўшни. Ҳафа бўлманг-у, сизлар ишда, болалар назоратсиз қолишяпти. Бир киши уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турмаса бўлмайди.

- Иккаласига ҳам ҳар куни пул бериб кетаяпмиз. Ҳоҳлаганини олиб ейишяпти.

- Болаларни топгани қанд-курс-да. Иссиқ овқатнинг ўрни бошқа. Болани назорат қилмасангиз, дайдирак бўлиб қолади.

Қўшнисининг гапи Назирага ёқмади. Сабаби доимо чит қўйлақда юрадиган Розияхоннинг гапи унга малол келди. Ўзим кимман демай, менга ақл ўргатадими, деган гина билан унга қўлини пеш қилди:

- Қачон бўлса шу гапни тақиллатасиз. Сиз ким бўлибсиз, ўзи?
- Ким бўлардим, қўшнингизман.

Кўриб туриб айтмасам, гуноҳ бўлади. Ўғлингиз нимжон, унга раҳмим келаяпти. Тижоратингизни топса бўлади, болани топиб бўлмайди.

- Нима қилишни ўзимиз биламиз, ҳўпми? Худого шукр, бошқаларга ўхшаб, носқовоққа нон борми, деб қараб қол-

кейн қўшнилари бир-бирларини кўришганда ўзларини четга оладиган бўлиб қолишди. Розияхонни беш фарзанди бор. Эри далада ишлайди. Қўллари салгина юпқароқ, Лекин фарзандларини оч қўйишгани йўқ. Болаларни юриш-туришига, тарбиясига қаттиқ туришди. Катта ўғиллари - Бахтиёр қоллежни битириб, шаҳардан иш топиб олди. Шахриёр эса мактабни битириб, бешикчи устага шогирд тушди.

Назиранинг эса бир ўғил ва бир қизи бор. Ўғли 12 ёшда, қизи эса бу йил учинчи синфда ўқияпти. Назира тижоратга кетганида, бозордан кеч қайтади. Эри ижарага олинган "Дамас" да қирақашлик қилади. Иккала бола ҳам мактабдан чиққандан кейин тентираб юришяверади. Баъзида қўшни қишлоқдаги бувисиникига кетиб қолишади.

Кўнларнинг бирида қишлоқда югур-югур бўлиб қолди. Нохуш хабар дарров тарқалди. Назиранинг ўғли ювсиникига кетаётиб, яқинроқ йўлдан бориш учун канал устига ташланган қувур устидан ўтаётди, боши айлиниб, йиқилиб туришди. Унинг ўлигини анча олисдан топиб келишди. Лекин уйда ўша куни Назира ҳам, унинг эри ҳам йўқ эди. Уларни дараклашиб, кечки пайт зўрга топиб келишди.

Назира дод солиб йиғлади. Қўшнисининг айтган гаплари унинг қалбидан кетмаган экан. Қўшниси томонга қараб, қўлини шоп қилиб, шундай деди:

- Ниятингга етдинг! Менинг боламни қаровсиз дединг! Нимжон дединг! Дайди дединг! Менинг боламни ўлишини ният қилган экансан! Вой, болам!..
Ўша куни Розияхон

қўшнисининг аламли ҳақоратидан жуда қаттиқ ранжиди. Унинг нияти асло Назира айтгандай эмасди. Ҳақоратга чидай олмай Розияхоннинг эри эса тушунмай-тушунмай, дарвозанинг олдида келди-кетдиларни кузатиб турган Бахтиёрға мушт солиб юборди.

Мушт Бахтиёрнинг кўзига теккан экан, у мукка туриб ётиб қолди. Бундай ноҳақлик катта жанжалга айлиниб кетиши мумкин эди. Ҳайриятки, қўни-қўшнилари ўртага туриб, жанжални босди-босди қилишди. Бахтиёр ҳам ўша куни касалхонага туриб қолди. Чунки унинг кўзига қон тепчиб, қовоғи етишиб кетганди.

Яхшиямки, Розияхоннинг эри оғир-босиқ, мулоҳазали инсон экан. У хотинини ҳам, ўглини ҳам бардош билан даволатди. Унинг қариндош-уруғлари қўшнисини судга беришни, ҳеч бўлмаса касалхонанинг барча чикимларини ундириб олишни маслаҳат солишди. У эса унамади. Қўшнисини судга беришдан орият қилди.

Албатта орадан вақт ўтиб, Назира ҳам, унинг эри ҳам ўз хатоларини тушунишиб, маҳалла фаоллари олдида қўшиларидан уэр сўрашди. Улар эса кеңиришди. Бу нохуш воқеа ана шу кечирим сўраш билан ўз ниҳоясига етди. Бироқ бу воқеадан маҳалладагилар шундай хулоса чиқаришди. Кимда-ким пулнинг орқасидан қува бошласа, кўзига пулдан бошқа ҳеч нима кўринмай қоларкан. Хатто ўз фарзанднинг тақдирини ҳам пулнинг панасида қолиб кетаркан. Яхши билан ёмонни фарқлай олмай қоларкан. Каттазанглик балосига йўлиқаркан. Охир-оқибат эса қалбига маҳкам ўрнашиб қолган пулнинг ўрнини алам эгаллаб, кўзи очиларкан. Тангри ҳаммани ана шу йўлдан асрасин.

АЛАМ



ган жойимиз йўқ, Катта-катта топаяпмиз. Кийимларниям олдини кийяпмиз.

- Топганларингиз насиб қилсин, - гапни чўзмай уйга йўл олди Розияхон. - Лекин барибир болаларингизга қаранглар.

Унинг орқасидан Назира ёўдранди.

- Менга ақл ўргатгунча, ўзингни удалаб ол. Оёғингдан йиртки қалиш тушмайди. Ҳозирги одамлар пул топганингни ҳам кўра олмайди. Болаларга қараш керак, деявериб, мени эримга ҳам ёмон кўрсатиб қўйдинг. Ўргилдим, сени насихатингдан.

Ана шу гаплардан

ҚИССАДАН ҲИССА

Умидаҳон ўғиллари Ҳасан ва Ҳусанни мактабга ҳўнатиб, сўрига ўтирди. Ховли негадир унинг кўзига файзсиздек кўриниб кетди. Бари-бир рўзгорда эркак кишининг ўрни бошқа экан. Раҳматлик эри ҳаётлигида ховлидаги ишларни пухталаб юраверарди, ўғилларини ҳам еру-қўкка ишонмай, ўзи мактабга олиб бориб, дарсдан сўнг олиб келарди. Мана унинг оламдан ўтганига ҳам бир йил бўлибди. Бир йил дегани, бир нафасдай ўтиб кетибди-я.

Эртага Умидаҳон эрининг йилини ўтказмоқчи. Раҳматлик жон таслим қилдиган куни тонг сахар уйғониб, шундай деганди:

- Сени қийин кунларга ташлаб кетаман шекилли, онаси. Қилган хизматингга рози бўл. Менга қарайман, деб тўй-тўкинларга ҳам бора олмай қолдинг. Уйда дон-дун ҳам ҳисобли қолди.

- Яратган Эгам, дадаси, - жавоб қилди у. - Тузалиб кетасиз.

- Кошқийди, - энтиқди эри. - Бошимга дўппимни кийишга қувватим етса-ки, сизларни қийнаб қўямасдим. Агар қийналиб қоладиган бўлсанг, ховлини ярмини сотиб юборавер.

- Яхши ният қилинг, дадаси. Ўғилларингизни уйлантириб, ҳузур-ҳаловатини ўрасиз.

- Ана шунақа ниятда эдим. Болалар мустарим бўлиб қолмаса бўлди. Сендан минг марта розиман...

Ўша куни эри кўз юмди. Умидаҳон ҳўжайини билан тўққиз йилгина турмуш қур-

ди, холос. Эри қирқ саккиз ёшда эди, ҳаёт иккита қуйган кулни анча кейин бир-бири билан жуфтлаштирганди. Умидаҳон олдинги эри билан бир йилгина рўзгор қилиб ажрашиб кетганди. Ўша бир йил шунақаям азоб-уқубатларга тўла бўлди-ки, Умидаҳон эр шунақа бўлса, тул ўтганим бўлсин, деб кетиб қолганича,

ганидан Умидаҳон ҳушёр тортди. Унинг нигоҳи сочларига оқ оралаган бўйдоргина аёлга тушди-ю, кўнгли баттар хижил тортди. У эрининг олдинги хотини Назокатхон эди.

- Анави оймнинг ўтиришини қаранг, - писандалди гап қилди кириб келган хотин. -

ЯРАТГАН



ЭГАМ

ўн уч йил рўзгор қилмай ота эшиқда юраверди. Аламини ишдан олди, хотини ўлган эркаклар унга совчи қўйишди. Уларнинг биронтасига рўйхушлик бермади. Охири ҳамқишлоқлари унга мана шу эрни топишди. Хотини билан ўн тўрт йил турмуш қуриб, фарзанд кўришмаган экан. Бир йил ўтиб, иккиси Ҳасан-Ҳусан ўғил кўришди. Умидаҳон ўғилларини туққан йили ўттиз олти ёшда эди...

Биров тиккалаб қўйган қошонада яшаш жуда ёқаркан-а?

- Сизнингча қаерда ўтиришим керак? - собиқ кундошига совуқ назар ташлади, Умида.

- Қаерда бўларди. Бу уйни мингта пешона тери билан тиккалаганми. Уйнинг тўсиналарини ҳам отам берган.

- Шу гапнингизни дадаси тиркилганда нега келиб айтмадингиз?

- Мен унинг ўлишини қаёқдан билибман. Тайёрига тоб бўлиб ўтиришини қаранглар. Ҳамма жабру жағфосини биз тортайли-гу; ҳузурини бошқалар кўрсин экан-да, а? Мингта гувоҳим бор, уй меники!

- Болалар мана шу эшиқда туғилди-ку?

- Туғилса менинг нима ишим бор. Ўзимнинг ҳаққимни талаб қилаяпман. Ўша ер югур қасалванд эди. Бу уйни остонадан тортиб, миҳдигача ўзим топганман. Биронта чўпиниям бировга бермайман.

Назокатхон уйдаги кўч-кўронни ташқарига олиб чиқа бошлади. Қўни-қўшнилари чиқиб, марҳумнинг йилини ўтказиб олгунча, мураса қилиб туришни маслаҳат беришди.

Аслини олганда, Умидаҳонга иккала фарзандидан азизроқ нараса йўқ эди. Шу боисдан собиқ кундоши билан таллашиб-тортишиб ўтирмади. Эрининг йилини ўтказиб, болаларни олди-да, отасиникига кетди. Ўша куни эри Умидаҳоннинг тушига кирибди. У иккала ўғилчасини иккала тиззасига ўтказиб, уйда ўтирганмиш. Уйнинг ичи ёп-ёруғ экан. Аммо эри анча хафадек кўринди.

Эрталаб у тушини аясига айтган эди, аяси шундай маслаҳат берди.

- Майли, эрингни ховлисига турмасанг, ўзинг биласан. Аммо у тушинга кирибди-ки, бориб Қуръон тиловат қилиб кел. Арвоҳлар қутади-да.

Умидаҳон эрининг уйига қайтиб борди. Иккиланиброк

дарвозадан ичкарига қадам қўяётган бир паллада, айвон тарафдан кимнингдир қаттиқ чинқирғи эшитилди. Қўни-қўшнилари дарҳол бориш-кетин ховлига кириб боришди. Ранги-қути ўчган бўйдог аёл ичкаридан айвонга эмақлаб чиқди. Унинг қўрқувдан ияги қаккилар, энтиқиб зўрга нафас олаётганди.

- Нима бўлди, Назокатхон? - сўрашди ундан қўшнилари.

- Анави ярамас мени ўлдирмоқчи! Ўлдирмоқчи! Томоғимдан ғиппа бўғди. Уйда у, уйда!

Қўшнилари уйга киришиб, ҳеч кимни топиша олмади. Дахшатдан чакка томирлари бўртиб чиқиб кетган Назокатхон кўзларини ола-қула қилиб, сўри атрофини айланар, иягининг қаккиллаши ҳеч тўхтамаётганди. Ҳамма ҳайрон. Назокатхоннинг юзига сув сепишиб, дарҳол машинага ўтказишди-да, отасининг уйига олиб кетишди. Бир онахон шундай фикр-ни айтди.

- Бечорани арвоҳ кўрқитганга ўхшайди. Марҳумни ноўрн ҳақорат қилиб қўйса ҳам, ана шунақа бўлади.

- Ҳа, ҳаммаси яратган Эгамдан, - унинг гапини маъқуллади кимдир. Ўзининг эмиссиз бандасига битта тикан ҳам қирмайди.

Умидаҳон сўрига ўтириб, Қуръон тиловат қилишдан олдин уйнинг пештоқига, ховлидаги дов-дарахтларга синчиклаб разм солиб чиқди. Унга раҳматлик эрининг руҳи гўё шу атрофда учиб юргандай туюлди.

К.НИШОНОВ
Андижон шаҳри

ПЕШОБ БИЛАН

Республика 1-тиббий институт урология кафедраси катта ўқитувчиси Бахтиёр Болтаев:

Замонавий тиббиёт системасида пешобни ичиш тавсия қилинмайди. Бунга сабаб, инсон танасидан сийдик орқали чиқадиган чикиндининг ёмон ва зарarli таркибидир. Тиббий текширишлардан маълумки, сийдикнинг таркибида минерал тузлар, органик моддалар, кислоталар билан бирга захарли моддалар-шлаклар бор. Бу захарли моддалар айниқса юкumли хасталиклар билан оғриганларда кўпроқ бўлади. Амалий тиббиётда кўпинча инсон танасидаги юкumли микроблар, захарлар суяқлик ичиш орқали, сийдик билан чиқариб юборилади. Шундай экан, яна шу чикиндиларни ичиб, танани қайтадан захарлаш нотўғри ва жуда хавфлидир. Айниқса ошқозон, жигар фаолиятида салбий ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Жигардан ўтадиган захарли моддалар унга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ёки юкumли хасталиклар микроблари билан бир органик даволашга улгурмай туриб, яна бошқасини ҳам захарлантириш хавфи пайдо бўлади. Бирок бу хулосаларнинг ўзи билан ҳам замонавий тиббиёт пе-

шоб билан даволашга қарши нўқта қўя олмайди. Пешоб таркибидаги зарarli ва фойдали қисми ҳанузгача тўлалигича ўрганилиб поёнига етказилмаган. Тиббиёт баъзида пешобнинг фойдали томонларини ҳам инкор қилолмайди. Масалан, тананинг лат еган, чиққан, пайи чўзилган жойлардаги шишларни ёки захрини олишда шўр сув ўрнига пешобнинг компресс сифатида фойдаланиш яхши натижа беради. Маълум бўлишича, пешоб таркибидаги антигенлар баъзи бир хасталикларни даволашда худди эмланганганде даво бўлиши мумкин экан. Лекин асоссиз равишда уни қўллаш барибир нотўғри.

Даволаниш ҳар бир инсоннинг танасига ва руҳиятига боғлиқ. Ҳатто таъбиға ҳам. Агар даволанаётган инсоннинг руҳияти, таъби пешоб билан тузалишига ишонса ва бу даволаниш унинг танаси тузалишига мос тушса фойдаси бўлиши мумкин. Аммо нима бўлганда ҳам гап инсон ҳаёти ҳақида бораётган экан, пешоб билан даволанишни истagan инсон шифокор билан маслаҳатлашгани маъқулдир.

«Оила ва жамият» газетасининг ўтган йилги сонларидан бирида олий тоифали шифокор Раҳматилла Бектошевнинг «Пешоб билан даволаш тўғриси?» сарлавҳали мақоласини ўқиган эдим. Шифокор: «Пешобни турли касалликларни даволаш учун фақат суртиш мумкин, лекин ичиш мумкин эмас. Ичилганда касалликлар янада чуқурлашиши мумкин», - деган фикрни билдирган. Шундан сўнг бу ҳақдаги қатор китобларни ўқидим. «Дардингни олсин табиблар» номли китобчада: «Пешобни мунтазам ичиш билан буйрак, жигар, ўт пуфак, юрак ва бошқа ички аъзоларни даволаш мумкин», - дейилган. Англиялик олим Жон У.Армерангнинг «Оби ҳаёт» ва Шукур Эргашевнинг «Юз дардга юз даво» китобида ҳам пешобнинг ижобий хусусиятлари ҳақида ёзилган. Лекин барибир ҳеч қайси манбаъдан ўзим учун ишончли жавоб ололмадим. Пешоб билан даволаш ҳақида аниқроқ маълумот берсаларингиз. Шунингдек, бу усул билан саратон (рак) хасталигини даволаш мумкинми?

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

В.Зоҳидов, Қашқадарь вилояти, Қарши тумани.

ДАВОЛАШ МУМКИНИ?

-Рак (саратон) хасталигини пешоб билан даволаш мумкинми? -Тошкент шаҳар онкология диспансери бош шифокори - тиббиёт фанлари номзоди Ғолиб Ҳакимов:

Пешоб билан хасталикни даволаш мумкин деган тушулнчанинг ўзи нотўғри! Инсонлар ҳаётини асрашдек масъулиятли ишда фақат ҳар томонлама сигнал тиббий даволашга ва дори-дармонларига ишонилиш керак. Саратон хасталигига даво излаб дунёдаги энг илғор олимлар жон куйдираётган бир пайтда бу тахлит саволнинг ўзи қулғули. Бу касалликни хозирги кунда энг илғор

тиббий воситалар билан ҳам даволаб бўлмайди. Касалликнинг бошланғич босқичларида ва айрим ҳолатларидаги жароҳлик йўли билан, нур ва химиятерапия усуллари билангина тўхтатишга эришиш ёки ушбу касалликка чалинган инсоннинг умрини бир оз муддатгина узайтириш мумкин. Хозирги кунда бутун ер юзиде ушбу касаллик ҳар хил сабабларга қўрийдан-йилга кўпайиб бораёпти. Хулласи калом, соғлигингизга бепарво бўлма! Хасталикка чалинсангиз, ҳар хил табибларга ишониб, кўр-кўрона даволанмасдан ва бу билан вақтни ўтказмасдан дарҳол шифокор ҳузурига борин!

Лола АҲМЕДОВА тайёрлади.

ТИЛНИ ТОЗАЛАШ

Баъзи бир кишилар сарлавҳани ўқиб,

«ия, тилни ҳам тозаларканми?!» - дея ажабланиши турган гап. Киши ҳар кун нафақат тишларини, балки тилини ҳам тозалаб туришдан шарт деб ҳисоблайди америкалик олим, тиш шифокори Ален Кремер. Чунки тил турли хил микробларни ўзида сақлаб туради ва оқибатда тишларнинг, оғиз бўшлигининг касалланишига сабаб бўлади.

Бу микробларни махсус қирғич, яхшиси кумушдан ясалган қирғич билан тозалаб турган маъқул.

«Америка овози»нинг хабарига кўра, бундай тозалаш усули ўтган асрда жуда урф бўлган экан. Ҳатто махсус тил тозалайдиган қирғичлар ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи ишлаб турган. Жаҳондаги айрим музейларда уч минг йил бурун ясалган тил чўткаларини учратиш мумкин. Бундай махсус тозалагичларни қадимги Рим аҳолиси ҳам қўллаган.

КУЙГАНДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Хонадонда, ишхоналарда ва бошқа жойларда қутилмаганда оловдан, иссиқ сувдан, бугдан қуйиб қолиш содир бўлиши эҳтимолли бор. Шунда бирор тана жой куйганида, дарҳол сув севиб, ичимлик содаси (натрий бикарбонат, чой содаси) кукунидан сепилади, натижада шифо бериб, тезроқ тuzалади.

Бошқа даво усули: эритилган мол ёки қўй ёғи ҳам яхши наф келтиради. Зайтун мойидан ҳам яхши фойдаланса бўлади. Мабо-до, тери порцилдоқ-порцилдоқ бўлиб чиқса, стерилланган (микробсизлантирилган) игна билан тешилади. Бундай игна бўлмаса, ўтда (оловда) тобланиб, спиртда солинган игна ишлатилади. Сўнгра куйган жой қисмига нордон ивтилган хамир қуйилади ва кунига 3 марта алмаштирилади.

Энг қадим замонда куйган тана қисмини товۇқ тухумининг янғиси билан даволанган. Агарда томоқ куйиб қолса, ёғли моддани ёхуд сувни хом тухум оқиға аралаштириб ичиш тавсия этилади, иншооллоқ шифо топасиз.

БЕДАНА ТУХУМИ-

Кўпгина шарқ мамлакатларида 300 йиллардан буён чипор бедана тухумидан турли касалликларни даволашда фойдаланиб келадилар. Тиббиёт нўқтаи назаридан олганда, ҳақикатан ҳам у асаб фаолиятининг сусайиши, сил, қанд, ошқозон (меъда) яраси, ўн икки бармоқлик ичак яраси, зикҳнафас (астма), қон босими, камқонлик касалликларини даволашда нафли экан. Шу билан бирга, аъзои танада модда алмашинувини, қон айланишини, киши танасининг умумий ҳолатини ва фаолиятини ҳам яхшиланиши аниқланган.

Кўп мамлакатлардаги даволоччи муассасаларнинг хулосасига кўра, барча ҳолатларда бедана тухумидан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Чунки бедана тухуми таркибидаги фосфори бўйича барча озуқалардан устун туради.

Тухум хом ҳолатда эрта ва кеч таомдан олдин уч до-

ТУРЛИ ШИНГИЛ

Аспирин—юрак хасталигини олдини олади, дейишмоқда шифокорлар. Уларнинг таъкидлашича, аспирин (ацетилсалицилат кислотаси) миокард инфаркти ва инсульт хавфини 15 фоизга камайтираётган экан. Олимларнинг фикрига қараганда, миокард инфарктига учраган ёки юрак қон-томир касаллигига дучор бўлган беморлар бир кунда 0,25 (0,5 гр. аспиринни ярмиси) ёхуд 0,25 гр. аспиринни бутунини истеъмол қилишса, аҳволлари анча яхши бўлади. Аспирин истеъмол қилинганда бир йилда тахминан 100 минг кишининг ҳаёти сақланиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Демак, аспирин юрак фаолиятига ижобий таъсир қилиб, касаллик олди олинаркан. Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, аспирин яратилганига 100 йилдан кўпроқ бўлса-да, унинг хосиятини текширишлар ҳамон давом этмоқда. Юқориде таъкидлагандек, аспирин инфарктга қарши восита сифатида қўлланилиб келинмоқда. АҚШда инфаркт хасталиги бўйича бўлиб ўтган халқаро анжуманда инфар-

кга чалинган беморларга аспириннинг терапевтик таъсири текшириб натижаси мувокама қилинганди. 16 мамлакатдан ўн етти минг бемор текшириб қўрилган эди. Аспирин таъсирини стрептокиназа моддаси таъсири билан солиштириб қўрилди. Стрептокиназа—юрак ҳуружи тутганида ҳосил бўладиган қон қуюқлаши-

тасдигини топди. Стафилакко эндовакулит (қон томиларининг ички қобйи ша-моллаши) моделда яхши натижага эришилгани изланишларда аниқланди. Касалликнинг бу кўзгатувчиси - тилласимон стафилакко бундан 100 йил илгари маълум эди.

Изданишларда маълум бўлишича, аспирин қон томиларларда бактерияларга икки томонлама қаршилик кўрсатиш хусусиятига эга экан, яъни у қон ивишини пасайтиради ва стафилакко генининг баъзи фаол таъсирини беради. Микроорганизм томилар деворларига бир киши учун қон қуюлиши пасайиши бу фибрин моддасининг микдори торашиб, шаклланиб яратилишида етарли даражада эмас. Аспирин генлар фаолигини пасайтиради, бу эса одам тўқималарида бактерияларнинг яратилишида зарур бўлади.

Биологларнинг айтишларича, аспириннинг бу эрга хосиятига баҳо бериш зарра. Бирок аспириннинг янги хосияти келгусида бактерияли юкumли хасталикларнинг олдини олишда дори воситаси бўлиб қўлланиши шубҳасиз.

Шуни билиб қуйган яхшики, аспирин дорисини фақат таомдан кейин, илложи борича сут билан ичиш маъқулдир. Шундагина ошқозон (меъда)га ноҳўй таъсир қилмайди.

БЎҒИН ОФРИГАНДА...

Шундай кишилар борки, бўғинлари оғриганида дарҳол дорихонага бориб, таъсири кучли бўлган дори воситаларини харид қилишадди. Ваҳоланки, сабр қилиб суртма дорилардан шифо топса ҳам бўлади. Бунинг учун 50 гр. камфора кукунни, 50 гр. хантал кукунни, 100 гр. тиббиёт этил спирти, 100 гр. хом тухумнинг оқи олинади. Тайёрлаш усули: камфора кукунни спиртда эритилади, сўнг хантал кукунни эритиб олинади. Алоҳида бу аралашма тухум оқи билан омۇхта қилинади. Натижада суяқ суртма малҳами ҳосил бўлади. Шу малҳамдан кечаси оғриқ жойга суртилади. Ва эрталаб қуруқ мато билан артилади. Бу муолажа бир неча марта такрорланади. Ажаб эмас, шифо топсангиз...

КОНИ ҲОЙДА

надан истеъмол қилинади. Ютими таъмили бўлиши учун бир тилим апельсин ёки лимон кўшиши мумкин. Тухумни ҳар куну бир донадан истеъмол қилиб, 4 кундан сўнг 6 донага етказиш керак. Бир муолажа даволашга 200 дона тухум тавсия этилади. Аста хасталигида эм бўлиши учун бедана тухуми 6 ой давомда истеъмол қилинади. Хом тухум ютолмай-диганларга 1-2 чой қошиқ шаккар ёки асал билан аралаштириб, ярим стакан қайноқ сувга қўшиб ичиш керак. Апельсин ва лимон суви қўшиб ичилганда у коке-тейл таъмига ўхшаш ёқимли таъм беради. Кўпгина мамлакатларда бедана тухуми пиширилган холда таомни хушҳўй қилиш учун фойдаланилади.

АСПИРИННИНГ ЯНГИ ХОСИЯТИ

Шуни эритувчи модда. Шифокорлар шундай хулосага келишган эди: аспирин билан даволаш юрак ҳуружи тутганидан кейин ўлим хавфи унда 5 марта кам, стрептокиназада фақат 4 марта экан. Аспирин ва стрептокиназа билан бир вақтда даволаш 3 мартага камамайди, холос. Аспирин бир мунча афзалликларга эга. Уни топиш осон, арзон, истеъмол қилиш оқдий ва қулай.

Шуниси диққатқа сазоворки, дунёда энг омалашган дори воситаси бўлмиш аспириннинг бактерияларга қарши қураиш хусусияти борлиги яқинда аниқланди. Аспирин дорисининг юкumли касалликлар кўзгатувчисига қарши таъсири 10 йил муқаддам намоён бўлганди. Айни пайтда эса унинг маълум юкumли касалликларни даволашда самарали таъсири

ЧАРЧОҚНИ ТАРҚАТИШ

Баъзи кишилар кўпинча пиёда юради. Шу аснода пиёда йўл юриши натижасида аъзолари шундай чарчайдики, ҳаттоки ўрнидан тургани кийинлашади, хийла малол ҳам келади. Буюк табиб Абу Бакр Ар-Розийнинг ёзишича, бундай ҳолатда киши тирноқларини ҳар қандай ёғ билан бўлса ҳамки суркаб ёлганса, чарчоқ ўша захотиёк барҳам топади. Бинобарин, унда шундай қувват пайдо бўладики, яна ўшанча пиёда йўл босишга қодир бўлади. Яна бошқача хил даво: Ёз фаслида киши совуқ сувга, қишда эса иссиқ сувга тушинса-да, оёқ бармоқларидан то тиззасигача уқаласин. Лекин бошқа аъзоларга сув қўямасин. Шунда чарқок тарқалади. Бунда мойичекак дамламасдан обзоч (ванна) қилинса ҳам яхши наф келтиради.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, дорিশунос.

ЭРКАКЛАРДА... КЛИМАКС ДАВРИ

Эркактлар андропаузаси - яъни, климакси 50-60 ёшларида бошланади. Бу даврда эркактларда бош айланиб, ҳаво етишмай қолиши, чап кўкрак томонида қаттиқ оғрик пайдо бўлиши мумкин. Қон босими кўтарилиб, асабийлик ва хотиранинг пасайиши ҳам кузатилади. Кўп эркактлар бу вақтда ақлий ва жисмоний томондан толиқиб беҳафсала ва тушкун ҳолатга тушиб қолишади. Яшашга, аёлларга ва жинсий алоқага бўлган қизиқишларини йўқотадилар. Мигрен ва қабзият касаллигидан азият чекишади. Баъзи эркактларда климакснинг ҳамма белгилари учрамайди. Жинсий қувватсизлик боис, аёлларга қизиқиш суйсайган сари климакс даврининг асоратлари чуқурлашаверади. Урта ёшли ва ёши ўтган эркактларда жинсий алоқа вақтида олдин уруғ ташлаш ҳоллари пайдо бўлади. Бир-икки марта шундай ҳол юз бергач, кўпчилик эркактлар жинсий алоқани мутлақо тўхтатиб қўйишади. Бу эса улар танасидаги тестостерон моддасининг камайиб кетишига ва бепуштлиқка олиб келади.

Эркактлар климакси унча узоқ давом этмайди. Аёллар климакси 5, 6, 7 йиллар ва ундан ҳам кўпроқ чўзилса, эркактларники эса узоғи билан 2-4 йилгача давом этади. Лекин жиддий асоратлар қолдирмайди. Шундай бўлса-да, барибир шифокорга учрашиш зарур. Тестостерон моддаси миқдорининг камайиши простата безлари саратони, ички секреция безларининг катталари хавфини келтириб чиқаради. Шу боис андролог шифокорларнинг назоратида бўлган маъқул. Эркактлар климакси даврида қон айланишининг ёмонлашиши жуда кўп жиддий хасталиқларни келтириб чиқаради. Шу боис, шифокорлар уларни махсус дастурлар асосида даволаб, кайфиятларини кўтаришга, яна эркаклик қувватларини тиклашга ҳаракат қилишади. Турли муолажалардан сўнг зарур бўлган гормонларни тананинг ўзи ишлаб чиқара бошлайди. Бир сўз билан айтганда эркактлар климаксини бир меъёрга солса ва даволаса бўлади. Соглом ҳаёт кечирилса, яъни, ичиш, чекишдан воз кечиш, жинсий алоқани бир меъёрга солиб, ҳар куни эрталаб мунтазам жисмоний машқлар бажарилса, эрта бошланган климакснинг олдини олиш мумкин.

ЭРКАКЛИК КУЧНИ САКЛАШНИ ИСТАСАНГИЗ!

► Ҳар кунги таомларингиз таркибида **А, С, Е, В** дармондорилари етарли бўлиши керак.
► Вақти-вақти билан табиий, меъёрлаштирувчи махсулотлар-женьшен, лимон ўтидан истеъмол қилиб туринг.
► Ҳар куни эрталаб ҳеч бўлмаганда 15 минут жисмоний машқлар билан шуғулланиб, пиёда юринг ва тўйиб ухлашга ҳаракат қилинг.
► Мунтазам равишда жинсий алоқа билан шуғулланинг.

ФАҚАТ ЭРКАКЛАР УЧУН!

► Простатит аденомасида 0,5-1 стакан қовоқ шарбатини кунига икки маҳал овқатланишдан 30-40 минут аввал ис-

► НУҚТАЛИ УҚАЛАШ

Эркактларнинг климакс даврида уларнинг энгаги остидаги нуқталарни уқалаш тавсия этилади. Уқалаш кўрсаткич бармоқларнинг учи билан енгил ва айлана ҳолда қилинади. Муолажа эрталаб, мутлақо хотиржам пайтда бажарилгани маъқул.



теъмол қилинади. Даволаш мудида уч ҳафта.

► Эркактлар бепуштлигида 15-20 грамм орхис (ятрышник) илдизини кунундек майдалаб, устига 0,5 литр ароқ қуйилади ва қоронғу жойда 14 кун сақланади. Ҳар

асал ва 200 мл.гр. коньяк қўшиб

аралашма тайёрланади. Ушбу аралашма бир кунда уч маҳал овқатланишдан 20 дақиқа олдин, бир ош қошиқдан, бир ой давомида ичилади. Икки ҳафта танаффус қилиниб, **бу амални яна давом эттириш мумкин.**

икки кунда чайқаб аралаштирилади. Ушбу аралашмани 30-35 томчидан овқатланишдан олдин **кунига уч мартадан** истеъмол қилинади.

► Ички секреция безлари аденомасида уч дона лимон, 200 грамм

ЖИНСИЙ ЗАЙФЛИК

Эркактлар турли сабабларга кўра, жинсий зайф бўлиб қолиши мумкин. Умуман жинсий алоқа билан шуғуллана олишмаса, бундай беморларнинг касалини даволаб бўлмайди. Агар жинсий ожизлик аста-секинлик билан пайдо бўлган бўлса, даволаш мумкин. Жинсий ожизлик турли сабабларга кўра, яъни, жинсий аъзо безларининг ривожланмаганлиги, жинсий гормонларнинг йўқлиги, тананинг ҳолсизланиши, руҳий - асабийлашиб зўриқиш, қанд касалига чалиниш оқибатида келиб чиқиши мумкин. Шунингдек, кўп чекиш ва спиртли ичимликларни ҳаддан ортқ истеъмол қилиш ҳам жинсий ожизликка олиб келади. Эркактларда жинсий алоқага бўлган майл, эҳтирослар камайиб, уруғ ташлаш ҳолатини бузилиши жинсий зайфликнинг белгисидир. Бу касаллик келиб чиқиш сабабларига қараб даволанади. Руҳий ҳолатнинг бузилиши оқибатида жинсий зайфлик пайдо бўлса, уни асосан руҳшунос ёрдами билан даволанади.

ТАБИИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Уй шароитида:
► Икки ош қошиқ қирғичдан чиқарилган саби устига бир стакан қайноқ сут қуйилиб, паст оловда 10 минут қайнатилади. Уни ҳар куни 100 граммдан уч маҳал истеъмол қилинади.
► Эркаклик қувватини оширмақчи бўлганлар пўсти билан пиширилган картошқадан кўпроқ истеъмол қилишлари керак.
► Жинсий ожизликда пиёз шарбати ҳам катта фойда беради. Бунга тайёрлаш учун бир ошқошиқ пиёз бўтқасига бир стакан қайноқ сув қуйиб идиши 15 дақиқа давомида қайнаётган сув ичига қўйилади. Бирон соатдан сўнг сузиб олиб, овқатланишдан олдин кунига 2-3 маҳал 0,5 стакандан ичилади.
► Жинсий қувватсизликда 10 кун давомида кунига икки ма-

фойдаси катта.

► Майдалаб талқон қилинган ёнғоқ устига сув қуйилиб, оппоқ холга келгунча аралаштирилади. Кунига 3 маҳал, 0,5 стакандан овқатланишдан 20 дақиқа олдин ейилади.

Жинсий қувватни тиклаш

учун ҳар куни 2-3 маҳал 1 стакандан ёнғоқ мағизидан еб, 2 стакандан эчки сути ичишининг фойдаси бекиёсдир. **Даволаш мудида бир ой.**

Шунингдек, жинсий зайфликни даволашда

асал билан аралаштирилган мўмиё, тухум сариги ва гиёҳлар дамламаси ҳам ёрдам беради.

250 мл.гр. саби шарбатини

0,5 грамм мўмиё билан аралаштирилиб истеъмол қилинса, эркактлардаги жинсий эҳтиросни кучайтиради, хомила пайдо бўлишига ёрдам беради.

Жинсий зайфликда

дўлананинг гуллари, янги пишган мевалари, мураббоси ва шарбатининг фойдаси бекиёсдир. Дўлананинг 100 гр. қуритилган барглари устига 1 литр ароқ қуйилиб 10 кун қоронғу жойда сақланади. Вақти-вақти билан силкитиб турилади, сўнг сузиб олинади. 20-30 томчидан, овқатланишдан 30 дақиқа олдин кунига уч маҳал ичилади.
► Кунига 3-4 маҳал бир ош қошиқдан майдаланган қовун уруғи ейишининг ҳам фойдаси катта.
► 1,5 ош қошиқ қуритилган ёвни янги терилган далачи (эвер-



ЁШ ЙИГИТДАЙ БАҚУВВАТМАН

80 ёшдаман. Аммо, ҳануз ёш йигитлардек бардам ва тетикман. 20 йилдан буюн ўзим тайёрлайдиган хонаки доридан истеъмол қиламан. Бунга куйидаги усулда тайёрлайман:
0,5 л ерқалампир (хрен), беш бош йирик саримсоқ пиёз, шунча помидорни гўшмайдалагичдан ўтказиб, уч литрли банкани тўлдирман. Уни уч кун музлаткичда сақлагач, ҳар куни икки ош қошиқдан бир бўлак нонга суриб икки маҳалдан истеъмол қиламан. У эҳтиросларни кучайтириб, эркаклик қувватини оширади. Шунингдек, жинсий қуввати пасайган эркактлар тез-тез ушбу аралашмадан, кўпроқ илитилган тухум ва кўк пиёздан еб туришлари зарур.

Жасур ЖОНУЗОҚОВ, нафақажўр.

ИССИҚ ВАННА ЗАРАРЛИМИ?

Юқори ҳароратда эркаклик уруғлари ишлаб чиқариш жараёни секинлашади, ҳаракатланиш тезлиги суясади. Тухумдонларнинг ҳарорати 37° бўлган танадан ташқарига жойлашгани ҳам бежиз эмас. Чунки уруғларнинг етилиши учун зарур бўладиган ҳарорат 20° С дан ошмаслиги керак. Уруғлар сифати ва миқдорини меъёрга келтириш учун баъзан иссиқ ваннадан воз кечган маъқул. Куйидаги маслаҳатларга амал қилинг:
* **Таркибида С дармондорилари кўп бўлган махсулотлардан истеъмол қилинг. Улар уруғнинг сифатини яхшилайди;**
* **Ортиқча вазндан кутулинг;**
* **Чекишни ташланг ва спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилманг;**
* **Саунага боришдан воз кечинг. Уйда 36,6 С ҳароратли ванна қабул қилинг. Бу ҳам 10 минутдан ошмаслиги керак. Ёки душ остида туриб ювинганингиз маъқул.**

Бой) ўти устига бир стакан қайноқ сув қуйилиб совутилади.

Уни 0,5 стакандан 4 маҳал, овқатланишдан 30 дақиқа олдин ичилади.

► Бир чой қошиқ эрмон (полын) уруғи устига 1 стакан қайноқ сув қуйилгач, тун бўйи термосда туради. Эрталаб 0,3 стакандан овқатланишдан 15-20 дақиқа олдин истеъмол қилинади.

► 5 ош қошиқ эрмон уруғи устига 0,5 литр ароқ қуйилади ва вақти-вақти билан силкитиб, аралаштириб турилади. 21 кундан сўнг, сузиб олиниб, бир ош қошиқдан овқатланишдан 20 дақиқа олдин кунига 3-4 маҳал ичилади.


5 ошқошиқ қичитки ўт

(крапива) ўти устига 0,5 литр қизил вино қуйилиб 5 дақиқа қайнатилади. У 30 дақиқа туриши керак. Уйқуга ётишдан олдин 50 мл.гр.дан истеъмол қилинади.

► 4 ош қошиқ валериана ўти, икки ош қошиқдан ялпиз, мойчечакни яхшилаб аралаштирилади. Тайёрланган ўтлар аралашмасидан бир ошқошиқ олиб, устига бир стакан қайноқ сув қуйилади. 0,5 стакандан эрталаб ва кечқурун истеъмол қилинса, асабийлашиш ва уйқусизликда ёрдам беради.

БУ ЁРДАМ БЕРАДИ!

Жинсий зайфликни даволашда нуқтали уқалашнинг фойдаси катта. Нуқталарни ҳар куни 2-3 мартадан уқалаш зарур. Бу муолажани бошлашдан аввал, бемор осойишта ва тинч бўлиб, ўзини бўш туттиши керак.



ГУЛБАШАҚАР тайёрлади.

ИФОРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САНЪАТИ



Хушбўй атирни дуго-нангизда айнан шу нақаси бўлгани учун сотиб олмасдан, ўзингизнинг дидингизга мосини танлаганингиз маъқул.

ХИДЛАР ЖАДВАЛИ

Дунёдаги барча пардоз-андоз маҳсулотлари хидларига қараб бир неча турларга бўлинади. Улар таркибидаги хушбўй ифорларнинг миқдорига қараб баҳоланади. **De Luxe**-белгиси қўйилган атирлар ва пардоз-андоз маҳсулотлари олий навли ва энг қиммат баҳо маҳсулотлар ҳисобланади.

Ўртача нархда баҳоланган маҳсулотларга **middle-ip** белгиси қўйилади. Уларнинг нархи арзонроқ бўлса-да, хиди ўзига хос муаттардир.

Massmarket белгиси қўйилган ҳаммабоб пардоз-андоз буюмлари анча арзон бўлса-да, ундан кўпчилик фойдаланади. Буларнинг хиди унча узоқ сақланмаса-да, бироқ турлари жуда кўпдир. Улар кутичаларга худди қимматбаҳо пардоз буюмлари каби жойлаштирилгани учун баъзан, уларни олий навлисидан ажратиб бўлмайди. Шу боис, юқоридаги белгиларга эътибор берсангиз, ўзингиз истаган атир ёки пардоз ашёларини адашмасдан харид қилишингиз мумкин.

ПАРФУМ - НИМА ДЕГАНИ?

Пардоз-андозга мўлжалланган атир, совун, гель, лосьон каби маҳсулотлар-

ни харид қилганингизда, кутичасидаги (**Parfum, Extrait**) ёзувларига эътибор беринг. Шу ёзувлар орқали улар ҳақида барча маълумотларга эга бўлиб оласиз. **Parfum**



ёки **extrait** ёзувлари пардоз-андоз буюмларининг кимматбаҳо маҳсулот эканлигини билдиради. Улардаги ифорлар миқдори 30 фоизгача бўлиб, хиди узоқ сақланади. Пардоз сувларининг (туалетная вода) хиди 10-20 фоизгача бўлади ва шунинг учун улар атирдан анча арзон бўлади.

Одеколонларни аслида эркаклар кўпроқ ишлатишса-да, аммо, унинг аёлларга мўлжалланган турлари ҳам бор. Уларнинг хиди узоқ сақланмайдиган ва энгил бўлади. Одеколонлар кўпроқ орасталик мақсадида ишлатилади.

ХУШБҮЙ ХИДЛАР КАЙФИЯТИ

Ифорлардан, атирлардан қачон ва қаерда фойдаланишни билиш керак. Балга кийиладиган либос билан спорт залига борилмаганидек, кундалик хизматга кетаётганда ўткир хидли атирлардан фойдаланиш шарт эмас. Бу хидлар оқшом тантаналари учун мўлжалланган. Шунингдек, улардан йилнинг фаслига қараб фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Энгил

хидлар ёз фаслига тўғри келмайди. Аксинча, қишда улардан хузур қилиш мумкин. Ёзда эса яхшиши, гуллар ёки тропик мевалар хидини эслатадиган атирлардан фойдалансангиз, кайфиятингизни кўтареди.

СОТИБ ОЛДИНГИЗМИ? ФОЙДАЛАНИНГ!

Қопқоғи очилган атирларнинг хиди узоқ сақланмайди. Очилган атирларнинг хиди узоғи билан бир йилгача, очилмаганлариники эса икки йилгача сақланади. Иссиқ ва совуқ ҳарорат, тўғридан-тўғри тушган кўёш нури улардаги хушбўйликни тез йўқотиб юборади. Атирларни ўз кутичасида, хона ҳароратида сақлаш керак. Мабодо, атирингизнинг қопқоғи пўкакли бўлса, ўз хидини анчагача сақлаши мумкин.



Пардоз-андоз маҳсулотлари кўпинча, махсус қопқоқли шишачаларга жойлаштирилади. Лекин уларнинг сақланиш муддати қанчалигини ҳеч ким билмайди. Бир сўз билан айтганда, турли атирлар, хушбўй ифор тартувчи пардоз сувлари сақлаш учун эмас, балки, фойдаланиш учун ишлаб чиқарилганини нутманг!

ЮДУЗЛАР ЁРДАМ БЕРАДИ

Атирни кўпинча хиди ёкиш-ёқмаслигига қараб танлаймиз. Аслида дидимизга ёқадиган хидли атир танлаш ҳам осон эмас. Бу хусусда қийналмаслик учун, ўз буржингизга қараб хид танлашни тавсия этамиз.

Кўй буржи остидаги аёллар эҳтиросли, салобатли ва мағрур бўлгани учун, турли ўтлар аралашмасидан тайёрланган, ўткир ва кучли ифорларни ёқтиришади. Шу боис мунажжимлар кўй буржидаги аёлларга ўткир ва хушбўй хидли атирлардан фойдаланишни тавсия этадилар.

Сигир буржининг аёллари раҳмдил ва ҳар томонлама мукамал инсонлар тоифасига киришади. Улар ўзлари танлаган атирларни айниқса, ўтларнинг хиди уфуриб турган бўлса, бошқасига ҳеч қачон алмаштирмайдилар.

Эгизак аёллар фалсафа ва фикрлашга мойилроқдирлар. Уларнинг феъл-атворлари нафис ранглар билан уйғунлашади. Атирлардан айрим ҳоллардагина фойдаланишади. Улар учун гул ва ўтлардан

тайёрланган, пардоз сувлари маъқул.

Кискичбақа буржининг аёллари мулойим, лекин «ичимдан топ», дейдиганлар тоифасига киряди. Орзулар ва ҳаёлот оламида яшайдиган бу аёллар турли гулларнинг муаттар хидини таратадиган пардоз сувидан фойдаланишни хуш кўришади.

Арслон буржи остида туғилган аёллар қимматбаҳо кийимлар, тақинчоқлар ва мўйнага ўч бўлиб, уларни «Хаёт маликалари» деб аташ мумкин. Маликаларга эса, турли гуллар ва бошқа ифорлар қўшиб тайёрланган атирлар кўпроқ ёқади.

Бошоқ аёллари дид билан танланган нафис ва ярашикли кийимлари билан ажралиб туришади. Хидларни танлашда ҳам жуда синчковдирлар. Гулларни эслатувчи хушбўй хидлар ифори улар учун айни муддаодир.

Тарозу буржининг мафтункор аёллари нозик ва нафосатли феълга эгадирлар. Кийим ва атир танлашда уй-

ғунликка, ўзига хосликка интилишади. Ўтлар ва турли гуллар аралашмасидан ташкил топган хидларни ёқтиришади.

Чаён буржининг вакиллари сал нарсага кайфиятлари бузилиб, тез хафа бўладиган, таъсирчан аёллардир. Уларга сал ширинроқ, нафис хидлар тўғри келади.

Ўқотар аёллар серҳаракат ва кўтаринки

руҳда бўлиб, жамоат орасида яраклаб кўзга ташланиб туришни хуш кўришади. Улар айнан Шарк бозорини эслатувчи, яъни, ванилин занжаби, қалампир хидларидан ташкил топган омухта ифорларни танлашлари зарур.

Тоғ эчкиси буржи аёлларининг кўнгиллари тубида ўзгартириб бўлмайдиган ҳақиқат яшириндир. Улар ҳиссиёт ва камтарлик туйғуларини қадрлашади. Улар узоқ сақланадиган хидли гуллардан тайёрланган атирларни танлашади.



ҚАХВА ЮЗИНГИЗНИ



ТИНИҚ ЛАШТИРАДИ

Қаҳва юз терисини тиниқлаштирар экан. Иложи борица, майда янчилган, шакарсиз қаҳва куйқасини юзингизга суриб, (Кўзингиз атрофидан ташқари) 10 дақиқадан кейин илик сув ёки газсиз маъданли сув билан ювилади ва биронта озиқлантирувчи крем сурилади. Бу куйқа бўйин, тирсак ва бармоқларни ҳам мулойим қилади. Ушбу муолаҳадан сўнг терингиз баҳмалдек мулойим ва нафис бўлади.

Қаҳвани доим истеъмол қилиш ҳам фойдали. Қаҳва донида 30 дан зиёд биологик моддалар мавжуд бўлиб, улар ошқозон ичак фаолияти ва овқат ҳазм қилишини яхшилаб, танани чиқитлардан тозалашга ёрдам берад экан.

Меъёрида қабул қилинган қаҳва танадаги қувватни тиклаб, ортиқча ёғларни эритиб юбориш хусусياتига эга.

ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият
Фойдаланилмаган кўлбемалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
Газетадан қўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Кабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1040. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 16145
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Расом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **Т. НОРИМОВ**
Мусахҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**